## САРОБГА АЙЛАНГАН ОРЗУЛАР

*Кунлар кетидан ҳафталар ўтса-да, машинадан дарак йўқ. Қўнғироқлари эса жавобсиз.. Сабр косаси тўлган Абдураззоқ Сирожиддиннинг уйига борди. Унинг ижарада яшашини ва бу ердан кўчиб кетганлигини билиб, тарвузи қўлтиғидан тушганча қайтиб келди.*

9 бет

## КЎРНАМАК

*Расул шартта яшириб қўйган жойидан милтиқни олиб, амакисининг елкасига тиради. Бу пуллар фақат ўзига тегишли эканлигини айтган эди, амакиси буни оддий пўписага йўйиб, кулимсираб қўяқолди. Афсуски, Расул ҳазиллашмаётган эди...*

10 бет


# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2013-yil 16-may, №20 (853)




# Болалар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояда

***Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ баркамол шахсни шакллантириш, уларни она Ватанга муҳаббат, миллий маданият ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ижодий қобилияти ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш баробарида ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқаришга катта эътибор қаратди.***

Амалга оширилган ҳаётбахш ўзгаришлар, эришилаётган муваффақиятларда жамиятимизни ривожлантириш ва ислоҳ этишнинг, давлат бошқаруви ва тараққиётининг ҳуқуқий асосини белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аҳамияти беқиёс. Асосий Қонунимизда фуқаролар, хусусан, ёшлар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш энг асосий қадрият сифатида мустаҳкамлаб қўйилди. Жумладан, унинг 45-моддасида вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамланган бўлса, 64-моддаси билан ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналари васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантириши белгиланган. Бундан ташқари, Асосий Қонунимизнинг 65-моддасида фарзандлар ота-оналарнинг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши қайд этилган.

Бинобарин, Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари муҳофазаси ва унинг қонуний манфаатларини таъминлаш, айниқса, турли сабабларга кўра алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида такомиллашиб бормоқда.

*/Давоми 5-бетда/*

Тадбир

# Билимдонлар беллашуви

***Давлатимиз томонидан ёшларга, уларнинг билим олиши ва баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун яратилаётган шарт-шароитлар шубҳасиз, ўз натижаларини бериб келмоқда. Бугун ёшларимизнинг турли соҳаларда ўзларини кўрсата олаётганликлари, қолаверса, жаҳон миқёсидаги фан олимпиадаларида юқори ўринларга эришаётганликлари бунинг исботидир.***

Жорий йилнинг 13-14 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг "Маънавият ва маърифат маркази"да "Ҳуқуқшунослик" фанидан талабалар республика фан олимпиадасининг II босқичи бўлиб ўтди.

Унда республикамизнинг барча олий ўқув юртларида жорий йилнинг март-апрель ойларида "Ҳуқуқшунослик" фанидан олимпиаданинг I босқичида муваффақиятли иштирок этиб, ғолиб деб топилган иқтидорли ёшлар қатнашдилар. Шунингдек, II босқич фан олимпиадасида талаба ва тингловчиларнинг илмий раҳбарлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг масъул ходимлари ҳамда таклиф этилган меҳмонлар иштирок этишди.

Юксак савияда ўтказилган "Ҳуқуқшунослик" фани бўйича талабалар республика фан олимпиадасининг иккинчи босқичи тўрт турда, яъни ёзма иш, тест синовлари топшириш, билетлар асосидаги оғзаки суҳбат ҳамда илмий иш (реферат)лар ҳимояси тарзида ўтказилди.

Икки кунлик олимпиада синовларида ИИВ Академияси тингловчиси Шоҳжаҳон Қосимов фахрли 1-ўринни, Тошкент Давлат юридик институти талабаси Миршод Қурбонов 2-ўринни, Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети талабаси Жавоҳир Тўраев 3-ўринни эгалладилар. Ғолибларга 1-, 2- ва 3-даражали дипломлар, фаол иштирокчиларга эса "Фахрий ёрлиқ"лар, шунингдек, эсдалик совғалари топширилди.

Бундан ташқари, иштирокчилар олимпиада кунлари вазирлик Академиясида тингловчи ва курсантлар учун яратилган шарт-шароитлар, экспонатларга бой музей ҳамда Академиянинг бошқа диққатга сазовор жойлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

**Ўз мухбиримиз**

Назорат

***Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади мамлакатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлақонли ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир. Зеро, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш йўлида қўйилиши мумкин бўлган ҳар қандай тўсиқларнинг бартараф этилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.***

# Самарали ҳимоя

Бош прокуратуранинг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими томонидан бу борада жорий йилнинг ўтган уч ойида муайян ишлар амалга оширилган.

Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, фуқаролар, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида Бош прокурорнинг 2004 йил 11 майдаги 22-сонли буйруғи ва ҳайъат қарорлари талабларидан келиб чиқилган ҳолда муайян тадбирлар амалга оширилган.

Таҳлилий маълумотларга кўра, қайд этилган даврда биринчи инстанция судлари томонидан жами 37098 (2012 йилнинг шу даврида 39375) та фуқаролик ишлари ва 11616 (407 988) та ишлар суд буйруғи тартибида кўрилган.

Прокурор иштироки шарт бўлган барча суд инстанцияларида прокурор ваколатининг тўлиқ таъминланганлиги ўз навбатида қонун талабларига риоя қилинишида муҳим аҳамиятга эга бўлгани боис, судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш, суд қарорларининг қонунийлигини апелляция муддатларида ўрганиб бориш, ноқонуний суд қарорларига протест келтириш самарадорлигини ошириш борасида ишни тўғри ташкил қилиш ва назоратни таъминлаш фаолиятига алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, апелляция инстанциясида 160 (240) та, кассация инстанциясида 243 (312) та, назорат тартибида 72(47) та суд қарорларига нисбатан протестлар келтирилган. Суд қарорларига протест келтириш самарадорлиги апелляция инстанциясида 95, кассация инстанциясида 98 ҳамда назорат инстанциясида 59 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврдаги кўрсаткичга қараганда бир қанча ортган.

Шу билан бир қаторда, 31 та фуқаролик ишлари бўйича қабул қилинган суд қарорлари Олий судда бекор қилинган ёки ўзгартирилган.

Шуни қайд этиш лозимки, ноқонуний суд қарорларига нисбатан Олий судга протест киритиш орқали фуқаролар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши Бош прокуратурага келиб тушаётган мурожаатларнинг тўғри ҳал қилинишида муҳим ўрин тутмоқда. Жумладан, Олий суд судлов ҳайъатида 19 та иш бўйича суд қарорларига нисбатан Бош прокуратура томонидан протест келтирилган.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш борасидаги тадбирлар "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистан Республикаси Бош прокурорининг "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида"ги 37-сонли буйруғи талаблари асосида ташкил қилинган.

Бўлимда асосий эътибор фуқаролар мурожаатларининг қонунда белгиланган муддатларда ҳал қилинишига қаратилган бўлиб, 2013 йилнинг 3 ойида бўлимга фуқаролардан жами 1006 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Шундан 234 таси бевосита бўлим ходимлари томонидан кўриб чиқилган.

*/Давоми 4-бетда/*

# Ноқонуний даромад

*Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Имкониятлардан кенг фойдаланаётган минглаб юртдошларимиз ўз иқтидорларини намоён қилиб, бунёдкорликларга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг кўмаги эвазига барпо этилган иморатларни кўриб кўз қувнайди.*

**Музаффар ЗАРИПОВ,**
Гурлан туман прокуратураси терговчиси

Жаҳон андозалари даражасида тайёрланган маҳсулотлардан баҳраманд бўлар эканмиз, хурсандчилигимизни яширмаймиз. Хизмат савияси кун сайин юксалаяпти. Бирон тадбиркорликка қўл урган борки, рўзғори бутланиб, меҳнату лаёқатига яраша мулк эгаси бўлмоқда. Уддабурон кишилар касбидан барака топмоқда. Буларнинг бари яқин ўтмишда қатъий тартиб асосида мулкка эга бўлиш ҳиссига қўйилган чекловларга батамом барҳам берган мустақиллик шарофати, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг самараларидир.

Аммо, ҳамма ҳам имкониятлардан тўғри фойдалана олаяптими? Фақат ўзим бўлай қабилида иш кўриб, ноқонуний даромад топишга иштиёқмандларнинг борлиги ачинарли, албатта. Гурланлик Янгибой Мадраҳимов ана шундай кишилар сирасидан. Мўмай пулга эга бўлиш истаги унга тинчлик бермади, ҳаловатини ўғирлади. Охироқибатда жиноятга етаклади.

2012 йил август ойларида қўлбола усулида ясалган, пахтадан чигитни ажратишга мослашган ускуна сотиб олди. Куз ойларидан бошлаб, нотаниш кимсалардан пахта хомашёсининг ҳар бир килограммини 200-250 сўмдан сотиб ола бошлайди. Ўз қўрсатмасида билдиришича, декабрь ойларида 10 тонна пахта хомашёси сотиб олган. Охирги марта 2013 йил 22 январда тахминан 900 килограммга яқин пахта харид қилган. Ушбу пахталарни чигитдан ажратиб, пахта толасини 2000-2300 сўмдан фуқароларга сотиб келган.

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Гурлан туман бўлими ва туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган рейд тадбирида Я.Мадраҳимовнинг яширин цехидан 8718 килограмм пахта хомашёси, чигитдан ажратилган 386 килограмм пахта толаси, 454 килограмм чигит ва бошқа ашёвий далиллар топилган.

Я.Мадраҳимов пахта хомашёсининг ўғирланган эканлигини била туриб харид қилгани ачинарли, албатта. Қонуний фаолият қўрсатиш учун бир қанча имкониятлар яратилган ҳолда ноқонуний йўлни танлаган сохта тадбиркор ўз жазосини олди.



*Ўзбек халқи азалдан поклик, ҳалоллик, иймон сингари тушунчаларни қадрият сифатида ардоқлайди. Келажак давомчилари бўлган фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди.*

# Ахлоққа зид қилмишлар

**Хуршид БЎРИЕВ,**
Самарқанд вилоят прокурори ёрдамчиси

Мамлакатимиз ҳудудига ахлоққа зид бўлган маҳсулотларни олиб кириш ёки транзит равишда олиб ўтишни тақиқлаш бўйича кескин чоралар кўрилаяпти. Таҳлиллардан маълум бўлдики, бу каби маҳсулотларни олиб киришда, асосан, ноутбук, турли дисклар, флешкарта ва уяли телефонлардан фойдаланилмоқда. Жумладан, Самарқанд вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ўтган 2012 йил давомида 215 та беҳаё мазмундаги материалларни республикамиз ҳудудига олиб кириша уриниш ҳолатлари аниқланган. Жорий йилнинг шу давригача бу кўрсаткич 37 тани ташкил этди. Ушбу ҳолатларнинг тўрттаси юзасидан жиноят ишлари қўзғатилди. 248 таси юзасидан эса маъмурий ишлар юритилиб, суд қарори билан ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли жазолар қўлланилди. Мисол учун, "Москва-Самарқанд" авиарейси билан учиб келган Каттақўрғон туманида яшовчи фуқаро А.Муҳаммадиевга тегишли "ASUS" маркали ноутбук текширилганда, унда 55 дона беҳаё мазмундаги видеороликлар борлиги аниқланди.

Шунингдек, Маъмуржон Қосимов икки-уч йилдан буён Россияга бориб ишлаб келарди. Охирги сафарида ҳам Санкт-Петербург шаҳрида ишлаб келиш мақсадида Самарқанд халқаро аэропортидан жўнаб кетди. У ерда турли кўриниш ишларида ишлаб юрди. Маъмуржон кетишида ўзи билан бирга "XNOTE-R400" маркали ноутбук компьютерини олиб кетганди.

2012 йил 21 ноябрь куни Санкт-Петербург шаҳридаги Пулково аэропортидан Пулково-Самарқанд йўналишидаги авиарейсга чиқиб, 22 ноябрь куни Самарқанд аэропортига келиб тушди. Аэропортда божхона ходимлари томонидан М.Қосимовга тегишли қўл юки ва багажлари текширувдан ўтказилди. Унинг ноутбукидаги маълумотлар базасида мавжуд бўлган маълумотлар ўрганиб чиқилганда, компьютеринининг хотирасида жами 32 та беҳаёликни тарғиб қилувчи видеотасвирлар борлиги маълум бўлди.

Шу каби ҳуқуқбузарлик содир этганлардан бири каттақўрғонлик Бахтиёр Қаршиев бўлиб, у 2010 йилнинг апрелида Россия Федерациясига ишлаш учун кетади. Москванинг Клин туманида турли хил ишларни бажариб, пул ишлаб топди. Қайтиб келишидан бир ойча олдин бир нотаниш одамдан 5 минг Россия рублига "MSi" маркали ноутбук компьютерини сотиб олди. 2012 йилнинг 3 сентябрида тонгда Самарқанд халқаро аэропортига келиб тушган Бахтиёрнинг божхона ходимлари томонидан қўл юки ва багажлари текширилди. Унга тегишли ноутбукнинг маълумотлар базасида 16 та беҳаё мазмундаги видеотасвирлар борлиги аниқланди.

Маданий бойликларни республикадан чиқариш ва киритишни назорат қилиш бўйича вилоят бадиий экспертиза бўлими хулосасига кўра, мазкур ноутбукдаги видеотасвирлар беҳаё мазмунга эга эканлиги исботланди. Энг ёмони, саккизта файлда вояга етмаганлар тасвирланганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолатлар бўйича ҳуқуқбузарларнинг қонун олдида жавоб беришига тўғри келди.

Бу каби ҳаракатлар миллий қадриятларимизга зид ва ёшларимиз онгини заҳарловчи ҳолат сифатида қонунларимизда тақиқланган. Айримларнинг эса буни била туриб, қонунга хилоф иш тутаётгани кишини ажаблантиради. Зеро, бундай қилмишларга жазо муқаррар.

*Амалдаги қонунларга биноан мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган. Ўрта таълим мактаблари 9-синфларининг битирувчилари касб-ҳунар коллежларида ўзлари қизиққан, танлаган йўналишлари бўйича ўқишни давом эттиришмоқда. Тўкис ўрта маълумот олиш билан бирга муайян касбларни эгаллашмоқда.*

# Нафси йўлдан урган аёл

**Камол ЮЛДАШЕВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Фарғона вилоят бошқармаси катта инспектори

Мактабларнинг битирувчилари яшаб турган ҳудудларидаги касб-ҳунар коллежларига истисносиз қабул қилинмоқда. 9-синф битирувчиларининг барчаси ўқишнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб этилиши алоҳида назоратга олинмоқда. Бироқ айрим "ишбилармон"лар ўқишнинг кейинги босқичига киритиб қўйиш эвазига содда одамларни алдаб, фирибгарлик билан "хизмат ҳақи" талаб қилиб олишга уринган ҳолатлар ҳам учрамоқда.

Асли бешариқлик, оиласи, икки нафар фарзандлари билан Фурқат тумани, Кўк дўппи қишлоғида яшовчи Гулирайҳон Одилова (исм-фамилиялар ўзгартирилди) Қўқон темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида информатика фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 2012 йили жиноятга қўл уриб, амнистия актига биноан кечирилган, жиноят иши ҳаракатдан тугатилган. 35 ёшга кирган ўқитувчи ушбу муруватдан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Нафсининг ноғорасига ўйнаб, такроран жиноят содир этди.

Дугонаси Ёрқиной Жамолова гап орасида танишининг ўғлини ўқишга жойлаштириб қўйишни сўраганида, ваъдани қуюқ қилди. 500 АҚШ доллари эвазига ўзи ишлаётган Темир йўл транспорти коллежига ўқишга жойлаштириб қўйишни зиммасига олди. Орадан бир ҳафта ўтиб, 500 доллар кўзига кам бўлиб туюлди. Дугонасининг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, айни чоғда ўқишга киритиб қўйишнинг нархи 600-800 долларгача ошиб кетганлигини писанда қилди. "Кўк"идан 600 келтириб берса, иши битишини уқтирди. Бу гап Ё.Жамолованинг нафсониятига қаттиқ тегди. Унинг департаментнинг Қўқон бўлимига берган аризаси асосида ўтказилган тадбир чоғида Г.Одилова "Тико" русумли шахсий машинаси ичида талаб қилган 600 АҚШ долларини пора тарзида олган чоғида, жиноят устида ушланди.

Суд мажлисида у айбига иқрор бўлди. Унинг айби жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, ишдаги далиллар билан ҳам исботланди. Жазо тайинлашда аёллиги, қарамоғида икки нафар ёш боласи борлиги инобатга олинди. Унга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

# Охири «вой» иш — келтирар ташвиш

*Айримларнинг хатти-ҳаракатини кузатиб туриб, таажжубга тушасан киши. Бутун куч-ғайрати билан савдо-сотиқ ишларига, пул топишга бел боғлайди. Маълум вақт бунинг "меваси"ни тотиб ҳам кўради. Оиласининг иқтисодий ҳолатини яхшилайди. Аммо... Ноқонуний йўлни танлаганлиги боис, "кунида синган кўза" сингари топган-тутганидан бир неча сонияда мосуво бўлади. Агар фаолиятини қонун доирасида амалга оширганидами, эл-улус топганига барака тилар, бошқаларга намуна қилиб кўрсатарди.*

**Улуғбек НОРМИРЗАЕВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Наманган шаҳар бўлими бошлиғи ўринбосари

1984 йилда Наманган шаҳрида туғилган Мурод Камолов ҳам ана шундай нотўғри йўлни танлади. Оқибатда судланди ҳам. Амнистия шарофати билан унга нисбатан тайинланган жазодан озод этилди. Ўшандаёқ унга юртимизда тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтиб, савдо-сотиқ фаолияти билан шуғулланиши учун етарли шарт-шароитлар мавжудлиги тушунтирилган, у бунга рози бўлгандек эди. Бироқ билганидан қолмади. Яна эгри ишини давом эттираверди.

М.Камолов одатдаги кунларнинг бирида Наманган шаҳридаги "Сардоба" бозори яқинида сигарета сотаётган пайт сариқ рангли "Москвич"да сигарет тарқатиб юрадиган Қаҳҳор исмли йигит келиб қолди.

— Ака, сигаретларимнинг охиргиси қолди, сизга ташлаб кета қолай, майлими? — деди у.

— Пул масаласи чатоқроқ... — иккиланди М.Камолов. Аммо шу тобда тугаб бораётган "заҳира"ни тўлдириш нияти ҳам йўқ эмасди. Унинг кўнглидагини сезиб тургандек, сотувчи сўз қотди:

— У ёғидан хавотир олманг, кейин келишиб кетаверамиз!

Хуллас, ўша куни М.Камолов Қаҳҳордан 4580 қути Қирғизистонда ва 1210 қути Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган сигареталарни 4 млн. сўмга баҳолаб, олиб қолди. Сўнгра уларни "Сардоба" бозори атрофида қимматига пуллашга тушди ва СВОЖЖДЛҚК департаментининг вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда унинг қилмишлари фош бўлди.

Тергов ва суд жараёнида у қилмиши оқибатларини ўйлаб, астойдил тавба қилишга тушди. Бироқ қонунлар олдида жавоб беришдан ўзга иложи йўқ эди.

Шундай бўлди ҳам. У суд ҳукми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баробари миқдорида жарима жазосига тортилди. Қолаверса, ашёвий далил сифатида олинган салкам 8 млн. сўмлик сигаретлар истеъмолга яроқсизлиги туфайли қонуний тартибда йўқ қилинадиган бўлди.

*Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш мақсадида яратилаётган қулай имконият ва имтиёзларга қарамай, айрим кимсаларнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни вақтида тўлашдан бўйин товлаши ҳамда ноқонуний йўллар билан бойлик орттиришга уриниши кишини ажаблантиради.*

# Банкка топширилмаган пуллар

**Темур РАЖАБОВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Зарбдор туман бўлими бошлиғи

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Зарбдор туман бўлими томонидан олиб борилган тадбирлар натижасида "Гўзал-Хушдам" кўп тармоқли хусусий корхонаси мансабдор шахслари томонидан жуда кўп миқдорда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларининг бузилганлиги маълум бўлди. Аниқланишича, "Гўзал-Хушдам" кўп тармоқли хусусий корхонаси томонидан ўтган давр мобайнида жами 222 млн. 723,5 минг сўмлик умумий овқатланиш хизмати кўрсатилган бўлиб, мансабдор шахслари жами бартер усулида 53 млн. 282,8 минг сўмлик макарон ва нон маҳсулотлари олишган бўлса-да, мазкур маҳсулотлар савдосидан тушган нақд пул маблағлари назорат-касса машинаси хотирасига кирим қилинмай, банк хазинасига ҳам топширилмаган.

Хусусий корхона мансабдорларига содир этган ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

# Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси



*Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, бюрократик тўсиқларни ва мавжуд муаммоларни амалда бартараф этиш, уларга қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида қабул қилинган Фармон ва қарорлари ҳамда Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари талабларидан келиб чиққан ҳолда назорат тадбирлари амалга оширилиб келинмоқда.*

Аниқланишича, вилоятда 30556 та хўжалик юритувчи субъектлар тегишли тартибда рўйхатдан ўтган бўлиб, шулардан 26947 таси кичик бизнес субъектларидир.

Жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 77,3 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилган.

Бундан ташқари, тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида муаммолари мавжуд бўлган тадбиркорлар билан мунтазам учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлар билан 109 марота-ба учрашувлар ўтказилган бўлиб, ушбу учрашувларда жами 5303 нафар тадбиркор иштирок этишди. Бунинг натижасида 4 нафар тадбиркорга 130 млн. сўм миқдорида кредит, 1 нафар фермер хўжалиги раҳбарига 30 га. ер майдони ажратилишида, 124 нафар тадбиркорга рухсатнома бериш ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари ҳал қилинишида амалий ёрдам кўрсатилиб, 1104 нафар тадбиркорга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Туман ва шаҳар прокуратураларининг аралашуви билан 23 нафар тадбиркорнинг муаммолари ҳал этилган. Шундан 10 нафар тадбиркорга рўйхатга ва ҳисобга олишда, 3 нафарига 50 млн. сўм кредит, 4 нафарига рухсатнома олиб берилишида, 2 нафари-га муҳандислик коммуникацияларига уланишда, 1 нафарига 15,5 млн. сўмлик иш ҳақининг ундириб берилишида, 4 нафарига эса бошқа турдаги амалий ёрдам берилди. Натижада 55 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, жорийнинг йил 1 январь ҳолатига 3357 та тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатган бўлиб, таҳлиллардан кўринишича, маҳаллий ҳокимликлар, солиқ идоралари ва бошқа масъул идоралар томонидан уларнинг фаолият юритиб кетишлари учун амалий кўмак берилмаганлиги ёки тегишли тартибда давлат реестридан чиқариш чоралари кўрилмаганлиги оқибатида, бу тоифадаги тадбиркорлик субъектларининг сони йилдан-йилга ўсиб борган.

Мазкур масаланинг долзарб эканлиги инобатга олиниб, прокуратура, солиқ, статистика маҳаллий ҳокимлик ходимларидан тузилган ишчи гуруҳлари томонидан фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектларининг фаолият юритмаслик сабаблари ўрганилиб, уларнинг фаолиятини тиклаш, имкони йўқларини эса давлат реестридан чиқариш борасидаги ишлар олиб борилмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ушбу масала қатъий назоратга олинган бўлиб, бу борада олиб борилган амалий ишлар натижасига кўра, шу йилнинг 1 май ҳолатига фаолият кўрсатмасдан келаётган 3357 та тадбиркорлик субъектларидан 623 тасининг фаолияти тикланди. 1260 тасининг эса фаолияти тугатилиб, давлат реестридан чиқарилиши таъминланган.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларини тезкор аниқлаш ва уларни тиклаш мақсадида туман-шаҳар прокуратураларига ишонч телефонлари ўрнатилган бўлиб, йилнинг дастлабки чорагида 33 та мурожаат қайд этилди. Уларнинг 31 таси қаноатлантирилган. Хусусан, 2013 йил 5 март куни Сариосиё туман прокуратурасининг ишонч телефонига мурожаат қилган тадбиркор А.Жабборова ер майдони ажратишни сўраб, туман ҳокимлигига ёзган аризаси ҳал этилмаётганлигини билдирган.

Аризани текшириш натижасига кўра, туман прокуратураси томонидан А.Жабборовага 0,15 га. ер майдони ажратилиши таъминланиб, мурожаатни кўриб чиқишни сансалорликка солган айбдор ходимларнинг жавобгарлик масаласи қонун доирасида ҳал этилди.

Бундан ташқари, олиб борилган тарғибот тадбирларига қарамасдан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Жумладан, Жарқўрғон туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида ўтказилган текширишда инспекция бошлиғи Б.Боймуродов томонидан шу йил 20 февраль куни "Дилкаш лол" хусусий корхонаси низомининг ўзгартирилиши муносабати билан низомни қайта рўйхатдан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган Низомга зид равишда корхонанинг эски низом ва гувоҳномаси ортиқча талаб қилиб олинган.

Текшириш натижасига кўра, туман прокуратураси томонидан инспекция бошлиғи Б.Боймуродовнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилди. Шунингдек, Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий ҳокимликларнинг тадбиркорликка оид қарорларининг қонунийлиги ҳам мунтазам равишда ўрганиб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳокимликлар томонидан тадбиркорликка оид қабул қилинган қарорлардан 29 тасининг ноқонуний эканлиги аниқланиб, прокурорлар протестларига асосан бекор қилинди.

Мазкур йўналишда 2013 йилнинг ўтган даврида ўтказилган текширишлар натижасига кўра, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 20 та тақдимнома киритилган. 5 нафар шахсга нисбатан огоҳлантирув эълон қилинган, 20 нафари интизомий ва 3 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилган. Жиддий қонунбузилиши ҳолати юзасидан 1 та жиноят иши қўзғатилган.

**Ражаб АБДУЛЛАЕВ,**
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

# Фаровон турмуш гарови

*Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган, яъни аҳолининг бандлигини таъминлаш, шу орқали фаровон турмуш кечиришга эришиш учун қаратилган сиёсатни эътироф этиш жоиз. Ушбу масала Республика прокуратура органларининг ҳам доимий диққат-эътиборида бўлиб, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида 2009 йил 26 февралда тасдиқланган "Меҳнат билан банд бўлмаган фуқароларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва уларни иш билан таъминлаш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш борасида"ги режада белгиланган талабларнинг ижроси бўйича қатор ишлар бажариб келинмоқда.*

Дастурга асосан, 2012 йилнинг 12 ойи давомида 49 минг 478 та янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган бўлса, ҳақиқатда 49 минг 722 та иш ўринлари яратилиб, режа 100,5 фоизга бажарилган. Шу йилнинг 1 май ҳолатига эса бу кўрсаткич 16271 тани ташкил этиб, режа 103,2 фоизга бажарилди. Шу давр мобайнида жойлардаги бандликка кўмаклашувчи марказларга мурожаат қилган 9794 нафар фуқародан 9671 нафари иш билан таъминланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган йилда бевосита прокуратуранинг ташаббуси билан жойларда ўтказилган 100 та меҳнат ярмаркала-рида 17 минг 757 нафар фуқаро қатнашган бўлиб, уларнинг 9 минг 767 нафарини ёшлар, шу жумладан, 5 минг 762 нафарини касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, 7 минг 193 нафарини эса хотин-қизлар ташкил этди.

Маҳаллий ҳокимликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди корхона ва ташкилотлар томонидан аҳолининг банд бўлмаган қатламини иш билан таъминлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилган бўлса-да, уларнинг фаолиятида бир қатор хато ва камчиликлар аниқлан-ган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўтган йил давомида меҳнат бўлимларига мурожаат қилган 44 минг 851 нафар фуқародан 42 минг 154 нафари, яъни 94 фоизи ишга жойлаштирилган бир пайтда, бу кўрсаткич Тўрткўл туманида 86,1 фоизга, Қораўзак туманида 84,7 фоизга бажарилган.

Бундан ташқари, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 1999 йил 29 ноябрда тасдиқланган "Меҳнат органларига бўш иш ўринлари мавжудлиги ҳақида маълумот (вакант лавозимлар) ва ходимларни ишдан озод этилиши кутилаётганлиги тўғрисида ахборотларни тақдим этиш тартиби ҳақида"ги Низомнинг 4-бандига асосан, ҳар бир ташкилот кейинги ойнинг 5-санасига қадар ўзида мавжуд бўш иш ўринлари ва ишдан озод этилиши кутилаётган шахслар ҳақидаги маълумотларни туман меҳнат бўлимига тақдим этиши лозимлиги белгиланган бўлишига қарамасдан, айрим корхоналар томонидан бу масалага панжа орасидан қаралган. Айримлари эса мавжуд иш ўринларини яшириб қолдирганлар. Хусусан, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармасида иш юритувчи ва кадрлар бўйича мутахассис лавозимида ишловчи Зибахан Жандуллаеваға кадрлар бўйича ҳисоботларни юритиш вазифаси юклатилган бўлиб, бошқармада ўтган йилнинг июль-август ойларида 2 та штат бирлиги бўш турган бўлса-да, у бу ҳақда бандликка кўмаклашиш марказига билдирмаган. З.Жандуллаева мазкур хатти-ҳаракати учун маъмурий жавобгарликка тортилган.

"Элликқалъа деҳқон бозори" МЧЖ томонидан туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига бўш иш жойлари бор-йўқлиги тўғрисидаги маълумотлар бериб борилган бўлса-да, уларда ўтган йилнинг 9 ойи давомида 3 та иш ўрни яширилганлиги аниқланиб, корхона раҳбарига тегишли жазо тайинланган.

**Темур АЛЛАНАЗАРОВ,**
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори

# Самарали ҳимоя

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/



Фуқароларнинг аризалари асосида жами 35 та фуқаролик ишлари назорат тартибида ўрганилиб, суд қарорларининг қонунийлигига баҳо берилган. Ҳал этилган аризаларнинг 23 таси ишга тиклаш, 130 таси уй-жой масалалари юзасидан, 10 таси моддий-маънавий зарарларни ундириш билан боғлиқ аризалардир. Бўлим ходимлари томонидан 75 нафар фуқаро қабул қилиниб, уларга тушунтириш берилган ва мурожаатлари текширилган.

Фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш давомида тарафлар ёки учинчи шахсларнинг ҳаракатларида фирибгарлик, ҳужжатларни қалбакилаштириш, мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансаб сохтакорлиги ва шу каби жиноий хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги аниқланган ҳолларда тегишли тартибда жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдор шахсларга нисбатан қонуний чораларнинг кўрилиши таъминланган.

Хусусан, фуқаро М.Тиллаеванинг аризасига асосан, даъвогарлар Баҳром ва Бахтиёр Разиковларнинг жавобгарлар Расима ва Гулзина Разиковалар, М.Тиллаева, Ш.Мамадиев ҳамда Шаҳрисабз туманидаги 1- ва 2-сонли давлат нотариал идораларига нисбатан уй-жойнинг ҳадя ва олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас, деб топиш, уйдан мажбурий чиқариш ҳақидаги фуқаролик иши назорат тартибида ўрганилганда, қуйидагилар маълум бўлди.

Фуқаро Р.Разикованинг қизи Г.Разикова онасини парваришлашни ваъда қилиб, низоли уйни ҳадя шартномаси орқали ўзининг номига расмийлаштириб олиб, онасини уйдан чиқариб юборганлиги ва уйни 2008 йил 1 августда ўзга фуқарога сотиб, ўзи эса бошқа жойга яширинча кетиб қолганлиги ҳаракатларида фирибгарлик, яъни ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритишда ифодаланган жиноят аломатлари мавжудлиги сабабли Гулзина Разиковага нисбатан 2013 йил 4 февралда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Тергов ҳаракатлари давомида Г.Разикова қочиб яширинганлиги сабабли, унга нисбатан қидирув эълон қилинган. Шунингдек, ҳадя ва олди-сотди шартномаларини расмийлаштирган нотариуслар Д.Мўминова ва М.Қаландаровларга нисбатан Қашқадарё вилоят адлия бошқармасига идоравий хизмат текшируви тайинланган.

Бош прокуратура томонидан 2011-2012 йилларда битимни ҳақиқий эмас, деб топиш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти ҳамда мазкур тоифадаги ишларнинг кўрилишида прокурор иштироки самарадорлиги аҳволи ўрганилиб, умумлаштирилган. Бу даврда судлар томонидан жами 1406 та битимни ҳақиқий эмас, деб топиш билан боғлиқ ишлар кўрилган бўлиб, қуйи прокуратуралар томонидан судларнинг мазкур тоифадаги ажримларига нисбатан жами 280 та, шундан 122 та апелляция ва 102 та кассация ҳамда 56 та назорат тартибида протестлар келтирилиб, асоссиз суд қарорларини қонунга мувофиқлаштириш чоралари кўрилган.

Биринчи инстанция судларида кўрилган битимни ҳақиқий эмас, деб топиш билан боғлиқ ишларнинг 985 таси апелляция ва кассация босқичларида кўрилиб, шундан 267 таси бўйича суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган. Уларнинг 224 таси ёки 83,8 фоизи прокурор протестлари ҳисобига тўғри келган.

Бундан ташқари, Бош прокуратуранинг ташаббуси билан ушбу масалани ўрганиш жараёнида жойларда битимни ҳақиқий эмас, деб топиш билан боғлиқ ишлар бўйича ноқонуний суд қарорларига нисбатан жами 43 та, шундан 37 та кассация ва 6 та назорат тартибида протестлар келтирилди.

Мазкур масала Андижон, Жиззах, Самарқанд, Наманган, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураларининг тезкор йиғилишларида муҳокама қилинди.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш борасидаги фаолиятнинг тарғиботига алоҳида аҳамият қаратилган. Бўлим ходимлари томонидан қайд этилган даврда 33 та тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, 9 та қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича таклифлар берилди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Бош прокуратура томонидан судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш, суд қарорларининг қонунийлигини апелляция муддатларида ўрганиб бориш, ноқонуний суд қарорларига протест келтириш самарадорлигини ошириш борасида ишни тўғри ташкил қилиш ва назоратни таъминлаш фаолиятига ҳамда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилинишини самарали таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Ботир НОРОВ,**
Бош прокуратура бўлим бошлиғи

## Ишонч телефонлари

***Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.***

| № | Прокуратура органлари | Ишонч телефонлари | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси | Код: 8371 | 232-43-91<br>232-45-40 |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК Департаменти | Код: 8371 | 233-84-20 |
| 3. | Андижон вилоят прокуратураси | Код: 8374 | 224-06-09 |
| 4. | Бухоро вилоят прокуратураси | Код: 8365 | 223-74-79 |
| 5. | Жиззах вилоят прокуратураси | Код: 8372 | 226-09-62 |
| 6. | Қашқадарё вилоят прокуратураси | Код: 8375 | 221-07-82 |
| 7. | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси | Код: 8361 | 222-26-39 |
| 8. | Навоий вилоят прокуратураси | Код: 8436 | 225-07-17 |
| 9. | Наманган вилоят прокуратураси | Код: 8369 | 226-23-02 |
| 10. | Самарқанд вилоят прокуратураси | Код: 8366 | 235-07-34 |
| 11. | Сирдарё вилоят прокуратураси | Код: 8367 | 223-38-22 |
| 12. | Сурхондарё вилоят прокуратураси | Код: 8376 | 223-20-36 |
| 13. | Тошкент шаҳар прокуратураси | Код: 8371 | 271-12-26 |
| 14. | Тошкент вилоят прокуратураси | Код: 8371 | 277-76-18 |
| 15. | Фарғона вилоят прокуратураси | Код: 8373 | 224-04-80 |
| 16. | Хоразм вилоят прокуратураси | Код: 8362 | 227-45-71 |

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилинишини таъминланади.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси**

***Истиқлол йиллари Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш масалалари давлат сиёсатининг муҳим йўналишларига айланди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳада ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида ўзига хос миллий соғлиқни сақлаш модели яратилди.***

# Камчиликлар бартараф этилди

**Мансур ХОДЖАЕВ,**
Қувасой шаҳар прокурори

Тизимни янада ривожлантириш, соҳада қонунийликни таъминлаш мақсадида шаҳар прокуратураси томонидан ҳудудда тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи назорат қилиб борилмоқда. Шу йилнинг март ойида ўтказилган таҳлиллар аксарият қишлоқ врачлик пунктларида сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилинмаётганини кўрсатди. Чунончи, Юқори Валик ҚВПнинг мудири томонидан диагностик алгоритм журнали юритилмаган бўлса, шифокорлар кундалиги журналининг силга мойил ёки гумон қилинган беморларни балғам таҳлилига юбориш ва флюорография текширувидан ўтказишга оид бандлари тўлдирилмаган. Диспансер назоратида турган беморларнинг амбулатор карталарини юритишда ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйилган. Хусусан, бир неча йиллар аввал икки томонлама бронхо пневмония ташҳиси билан диспансер назоратига олинган беморга ташҳислар варақаси тўлдирилмаган, соғломлаштириш режалари тузилмаган ҳамда сил касаллигининг олдини олиш мақсадида текширувдан ўтказилмаган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг силга қарши курашиш тадбирларини такомиллаштириш тўғрисидаги буйруғига мувофиқ, касалликнинг олдини олиш учун ҚВПлар шифокорларининг малакасини ошириб бориш кўзда тутилган бўлса-да, Арсиф ҚВПда мудир бўлмиш умумий амалиёт шифокори ҳамда катта ҳамшира ушбу жараёндан четда қолишган. Улар сил билан оғриган беморларнинг амбулатор карта ва диспансеризация журналларини юритишни "унутиб қўйишган". Хусусан, беморлардан бирининг амбулатор картасида аниқланган ташҳислар варақаси 1999 йилдан буён тўлдирилмаган. ҚВП мудири, умумий амалиёт шифокори Д.Усмонова томонидан силга гумон қилинган беморлар балғам таҳлили ва флюорография текширувларига юборилмаган. Сўнгги йилларда диагностика мақсадида бирон марта ҳам текширишлар амалга оширилмаган. Пастки Валик, Суфон, Лашкар, Қақир, Полмон, Пастки Мўян, Янгиер, Дўстлик, Қўчқорчи қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятларида ҳам юқоридаги каби хато ва камчиликлар аниқланди.

Бундан ташқари, шаҳар кўптармоқли марказий поликлиникасида "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 4- ва 5-бандларига асосан ҳисобда турган беморларни тўлиқ профилактик даволаш тадбирлари ўтказилмай, даволаниш самарасини аниқлаш текширувлари олиб борилмаган. Сил касаллигига қарши кураш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган.

Шифохона ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлашда ҳам қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилган. Узлуксиз иш стажи, касаллик варақа пули, ҳомиладорлик нафақаси, меҳнат таътили нотўғри ҳисобланиши натижасида 4 нафар ходимга 546 минг сўм маблағ ортиқча тўланган. Бунинг акси, поликлиниканинг муолажа хонаси ҳамшираси И.Мамаджоновага меҳнат таътили берилишида эса қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги эътиборга олинмай, қонунбузилишига йўл қўйилган. Шаҳар Тиббиёт бирлашмасида ҳам 6 та ҳолатда юқоридаги каби Меҳнат кодексининг 232-моддаси 1-қисми талабларига зид равишда ходимлар меҳнат таътилларига чиқарилган. Ушбу ҳолатларга нисбатан келтирилган протест билан меҳнат таътили бериш ҳақидаги буйруқлар қонунга мувофиқлаштирилди.

Кўптармоқли марказий поликлиниканинг сил касалликлари хонасида давлат санитария назорати тўғрисидаги қонун талабларига ҳам риоя этилмаган. Жумладан, беморлар ишлатган идишларнинг зарарсизлантирилгани қайд этиб борилмаган, ўпка сили ташҳиси билан ҳисобга олинган бемор ҳақида шаҳар ДСЭНМга шошилинч хабарнома юборилмаган. Тиббиёт бирлашмасининг марказий стерилизация бўлимида ҳам тиббий асбоб-ускуналарни зарарсизлантириш ва тозалов ишларини ўтказиш учун зарур шароитлар яратилмаган.

Бундан ташқари, Тиббиёт бирлашмасига қарашли ҚВПларда Табиатни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар тўғрисидаги қонун талабларига ҳам амал қилинмаган. Муолажа жараёнида ҳосил бўлган тиббий чиқиндилар аксарият ҳолларда махсус печда ёқиб юборилмагани етмаганидек, маиший чиқиндиларга аралаштирилиб, белгиланмаган жойларга ташланишига йўл қўйилган.

Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш, санитария назорати, табиат муҳофазаси, чиқиндилар тўғрисидаги қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг ижроси таҳлилларида аниқланган юқоридаги каби қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш, ходимларнинг масъулиятини кучайтириш чоралари кўрилди.

# Болалар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояда

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида инсон ҳуқуқларига оид БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 70 дан ортиқ универсал ва минтақавий халқаро шартномаларни тан олди. 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиши эса бола ҳуқуқларига оид давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларни белгилашга ҳамда бола ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмини ишлаб чиқишга хизмат қилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг ёш авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид ўта муҳим ҳужжатларидан — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция, Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган нормаларга ҳам таянади.

Шунингдек, Ўзбекистон ЮНЕСКО ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан қабул қилинган асосий конвенцияларнинг иштирокчиси ҳисобланади. Жумладан, 2008 йилнинг 4 апрелида "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги, 2009 йилнинг 8 апрелида эса "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги Қонунлар қабул қилинди.

Айтиш жоизки, бу қонун ҳужжатлари мамлакатимизда бола ҳуқуқлари кафолати билан боғлиқ миллий қонунчилигимизнинг янада такомиллашишига хизмат қилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 22 майдаги "Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун болалар шаҳарчалари тўғрисида"ги, 2008 йил 17 октябрдаги "Меҳрибонлик уйи тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарорлари, мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 8 августдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ҳам жамиятимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз.

Ушбу қонун ҳужжатларида барча ёшдаги болалар саломатлигини ҳимоялаш, махсус мактаб-интернатлар, меҳрибонлик уйларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мазкур муассасаларда ишлаётган ходимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашдек масъулиятли ва улкан вазифага, 12 йиллик узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришга ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳамда аввал қабул қилинган умуммиллий дастурларни мантиқий ниҳоясига етказишга "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили" Давлат дастурлари доирасида ҳам катта эътибор қаратилди.

Бола ҳуқуқларига доир халқаро ва миллий ҳужжатларни ўзига сингдирган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ва "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги бир қатор Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилиниши болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади.

Бугун мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган амалий ишлар ва соҳада биз эришган ютуқлар қатор хорижий давлатлар ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётгани ҳам сир эмас. Хусусан, Тошкентда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она-соғлом бола" мавзусидаги халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан давлатимиз эришган ютуқлар юксак баҳоланди.

Ўзбекистон "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўнта мамлакат қаторига киритилгани, яъни 161 та давлат ичида тўққизинчи ўринни эгаллаганини эътироф этиш жоиз.

Ҳозирда мамлакатимизда 13 та болалар уйлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, 2012 йил бошланишида мазкур муассасалардаги болалар 742 нафарни ташкил этган. Улардан 385 нафари (51,8 фоиз) тўлиқ етимлардир. 2011 йил давомида болалар уйларидан 638 нафар бола чиқиб кетган бўлиб, улардан 311 нафари (48,7 фоиз) ота-онаси томонидан олиб кетилган, 257 нафари (40,2 фоиз) фарзандликка олинган, 44 нафари (7 фоиз) ёши етганлиги сабабли "Меҳрибонлик" уйларига ва 27 (4,2 фоиз) "Мурувват" уйларига ўтказилган. Уларга мунтазам равишда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бундан кўриш мумкинки, давлатимизнинг бола ҳуқуқлари ва манфаатларига доир бу борадаги ишлари ҳам кўзланган натижаларни бермоқда.

Шу билан бир қаторда, давлатимиз томонидан ёшлар ўртасида спортни оммавийлаштиришга, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга, нуфузли турли йирик мусобақаларни ташкиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Спортга нафақат ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ва жисмоний етуклиги гарови, айни пайтда ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишнинг самарали воситаси сифатида ҳам қаралади. Ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашда спорт турларининг аҳамияти катта. Республикамизда мактаб ва коллеж ўқувчилари, шунингдек, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт мусобақалари — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" ўйинларини ана шундай эзгу ва олижаноб мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилаётган муҳим омиллар қаторига киритиш мумкин. Яратиб берилган қулай шарт-шароитлар боис спортчиларимиз орасидан Осиё, жаҳон ва олимпиада мусобақалари ғолиблари етишиб чиқмоқда. Улар мустақил Ўзбекистон байроғини халқаро спорт ареналарида юқори кўтариб, халқнинг ғурур ва ифтихорига айланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бола ҳуқуқлари, манфаатлари, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий шароитини янада яхшилаш, ҳар томонлама баркамол авлод сифатида келажагимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиши учун бор имкониятларни ишга солишни бугуннинг ўзи талаб қилиб турибди.

**Хидир КАРИМОВ,**
Бош прокуратура ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси бошлиғи

# Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш

## демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналиши

**Жасур ТУРСУНОВ,**
Қарши шаҳар прокурори ўринбосари

***Жамиятимиз ҳаётида ва ҳар бир фуқаро тафаккурида мамлакат келажагига бўлган ишонч ва янгича қарашларни шакллантириш, умуминсоний қадриятлар, хусусан, инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш қай даражада муҳим аҳамиятга эга эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ халқимизнинг ҳаётида туб бурилишлар рўй берди. Бу давлатни бошқариш, уни тараққий эттириш, халқ фаровонлигини оширишда тўғри йўлдан бораётганлигимизни яққол намоён этмоқда.***

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" деб номланган маърузасида давлат аҳамиятига молик муҳим вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, маърузада давлат ҳокимияти тармоқларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар ролини ошириш билан бир қаторда суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш ташаббуслари илгари сурилди.

Ислоҳотларнинг давомийлиги ва узвийлигини, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олганлигини бугун ҳар қадамда ҳис этиб турибмиз. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Суд органларини собиқ совет тузумида бўлганидек қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатида эмас, аксинча инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишга хизмат қиладиган органга айлантириш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди, жиноят, фуқаролик ва хўжалик процессуал қонунчилигига ўзгартишлар киритилди, илгари фақатгина битта суд фаолият кўрсатган бўлса, мустақиллик даврида суд органлари ихтисослаштирилди, жиноят ишлари бўйича судлар, фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳамда хўжалик ишлари бўйича судлар ташкил этилиб, жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларини малакали кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш шароити яратилди.

Судда ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш тартиби жорий қилинди, илгари эса судларда жиноят ва фуқаролик ишларини кассация ва назорат тартибида кўриб чиқиш инстанцияси белгиланган эди. Апелляция тартибида ишларни кўриб чиқиш босқичи жорий этилганлиги муносабати билан ишлар бўйича қабул қилинган қарорларни бекор қилиб, қайтадан кўриб чиқиш учун юбориб, сансалорликка йўл қўймасдан, аксинча апелляция инстанциясининг ўзи томонидан тўла ҳажмда кўриб чиқиш мумкинлиги белгиланди.

Судларда жиноят ишларини кўриб чиқиш муддатлари белгиланди, бунга кўра жиноят ишини кўриб чиқиш бошланган кундан эътиборан узоғи билан икки ой ичида мазмунан ҳал этиш кўзда тутилган.

Айтиш жоизки, 2008 йилда адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар киритилди, аввал адвокатлар ҳимояси остидаги шахс билан учрашиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг рухсати олинган бўлса, бундай нормалар жиноят-процессуал қонунчилигидан чиқарилиб, адвокатлик муассасаси томонидан бериладиган ордернинг ўзи кифоя бўлиши таъминланди.

"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"-ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларнинг 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар гуруҳига киритилди, иқтисодий жиноятлар бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш жазоларининг ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имкониятлари кенгайтирилди, инсонпарварлик тамойилларига зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури қонундан чиқариб ташланди.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, аммо беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киритилди.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, аммо ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, ўта оғир жиноятларга эса қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киритилди. Шунингдек, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг қўлланилмаслиги белгиланди.

/Давоми 8-бетда/

# Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари – тараққиётимиз кафолати

**Олимжон ЎСАРОВ,**
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати

***Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг пировард мақсади ҳам фуқароларга муносиб турмуш шароити яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муносиб ҳимоя қилишлари учун мавжуд қонунларни янада такомиллаштиришдир. Яна шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлат ҳокимиятининг учта тармоғи припципиал тарзда бир-биридан алоҳида ажратилганлиги ва судларнинг мустақил ҳокимият сифатида эътироф этилиши том маънодаги суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга хизмат қилди. "Судлар тўғрисида"ги Қонун эса янги таҳрирда қабул қилинди.***

Юртбошимиз ташаббуси билан соҳани босқичма-босқич, изчиллик асосида ривожлантириш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар дастури амалга ошириб келинмоқда. Бу ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти муҳтарам Президентимиз томонидан 2010 йилнинг 12 ноябрида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"-да иккинчи устувор йўналиш сифатида қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат эканлиги белгилаб берилди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларидан иборат бўлган ҳамда ҳозирги кунда ўз фаолиятини самарали амалга ошираётган яхлит тизим ташкил этилди. Суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди.

Ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини амалга ошириш учун судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш масалалари ҳал этилди, хусусан, суд кадрлари масаласи билан шуғулланадиган махсус орган — Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси ташкил этилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан ҳам кўплаб эътиборга молик қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва тегишли тартибда айримларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Биргина ўтган 2012 йил парламент фаолияти учун самарали кечди десак, хато бўлмайди. "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгилаб берилган жамиятни ва давлатни ривожлантиришнинг том маънодаги янги босқичида мамлакатни модернизация қилишнинг муҳим вазифаларини, хусусан, оила институтини жамиятнинг асоси сифатида мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгилаб берилган мақсадли вазифаларни ҳал этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Айниқса, бу жараёнда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, суд ва гуманитар соҳалардаги ислоҳотларни бардавом ривожлантиришни, жамиятни ислоҳ этиш, демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг узоқ муддатли дастурларини самарали амалга оширишни, мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини амалий жиҳатдан янгилашни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қонун ва қарорлар қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бинобарин, ўтган йили Қонунчилик палатаси томонидан 30 та қонун қабул қилинган бўлса, бу қонунларнинг 9 таси Концепцияга мувофиқ тайёрланган. 28 та қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва кучга кирди.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектларнинг бу жараёндаги фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан — 6 та, Вазирлар Маҳкамаси томонидан — 19 та, Бош прокурор томонидан — 2 та ва бошқа субъектлар томонидан — 3 та қонун лойиҳаси парламент қуйи палатаси муҳокамасига киритилган.

Қабул қилинган қонунлар, энг аввало, конституциявий ислоҳотларни мантиқан давом эттиришга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов қонунчилиги принциплари ва нормаларига, шунингдек Олий Мажлисга, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган. Хусусан, "Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида"ги Конституциявий Қонун ушбу вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида қонун устуворлигини, қонунийликни, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга, жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчиликни эркинлаштиришга, судга қадар иш юритиш босқичида суд назоратини мустаҳкамлашга, "Хабеас корпус" институтини татбиқ этиш соҳасини кенгайтиришга қаратилган 7 та қонун қабул қилинди.

Хусусан, бу соҳада қабул қилинган янги таҳрирдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонун қонунийликни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асослилигини, уларнинг қонунларга, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги, янада самарали механизмларини яратди. Жумладан, қонун вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар кўринишида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишлари мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилди, низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва регламентлар ўртасидаги мезонлар ажратилиши батафсил тартибга солинди. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мазмунига қўйиладиган талабларга тафсилотлар билан аниқлик киритилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллашни енгиллаштириш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳаволалар аниқ бўлиши лозимлиги тўғрисидаги қоида муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ҳужжатлар сифатини ошириш заруратини инобатга олган ҳолда қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизасига жиддий аҳамият берилган бўлиб, бу аввалги қонунчиликдан фарқли равишда ушбу масала янги қонунда 5 та моддада кўриб чиқилмоқда.

"Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29 ва 31-бобларига, судга қадар иш юритиш босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексининг 321 ва 439-моддаларига киритилган ўзгартиришларга кўра, эндиликда жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқи суднинг ваколатидан чиқарилди, суд муҳокамаси чоғида жиноят иши бўйича айблов хулосасини эълон қилиш мажбурияти эса прокурор зиммасига юклатилиши белгилаб қўйилди.

Халқаро ҳуқуқнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини имплементация қилувчи бу қоидалар, шубҳасиз, суриштирув ва дастлабки тергов ишини юритишда суд назоратини кучайтириш имкониятини беради, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини кенгайтиради, суднинг суд муҳокамасини адолатли олиб боришга доир асосий вазифаси бажарилишини, унинг мустақиллиги, холислиги, беғаразлигини, жиноят процессидаги тортишув принципи кучайтирилишини таъминлайди.

"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"-ги Қонун жиноят ва маъмурий қонунчиликни ахлоқийликка қарши жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш орқали янада такомиллаштиришга, зўравонликни, шафқатсизликни ва порнографияни тарғиб этувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган. Хусусан, Жиноят кодексига янги 130-1-модда киритилди. Унга биноан зўравонликнинг ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек, уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш каби хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бароборидан олти юз бароборигача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазолаш белгилаб қўйилган. Агар ўша ҳаракатлар такроран ёки хавфли рецидивист шунингдек, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса — уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Умуман олганда, мазкур қонун инсон онгига, айниқса, униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий қарашларига салбий таъсир қилувчи жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни янада кучайтириши билан аҳамиятлидир.

"Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутатлар гуруҳи ташаббуси билан ишлаб чиқилиб қабул қилинган "Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"-ги Қонун сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланишига ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилишига хизмат қилади.

Қонун мамлакатда барпо этилган мустақил ва ноёб сайлов институтини янада демократлаштиришга, хусусан, сайлов жараёнларининг янада ошкора ва очиқ бўлишини таъминлашга, сайловолди ташвиқотни ўтказиш механизми, сайлов комиссияларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган. Хусусан, сайловчиларга ўз нуқтаи назарларини аниқлаштириб олиш, қайси сиёсий йўлни маъқул деб топиб, кимга ва қайси сиёсий партия учун овоз бериш тўғрисидаги масала юзасидан онгли қарор қабул қилиш учун қўшимча вақт бериш мақсадида 27-моддага тегишли ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, бу норма овоз бериш арафасида турли суиистеъмолликлар ва қоидабузарликларнинг юз бериш эҳтимолини бартараф этиш имконини беради. Ундан ташқари, сайловолди ташвиқотида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида таъкидланмаган бошқа турлари, шакллари, усулларидан фойдаланиш ҳамда муддатидан олдин овоз беришнинг аниқ муддатлари, тартиби ва тартиб-таомиллари ҳам белгилаб қўйилди.

Бу каби киритилган қўшимчалар сайловлар — мамлакатда амал қилувчи ҳуқуқий нормаларнинг демократлилигини белгиловчи муҳим масала эканлигига, сайловлар ҳуқуқий демократик давлатнинг ажралмас қисми, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини ифода этишининг асосий шакли, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда тўғридан-тўғри иштирок этишининг асосий шакли эканлигига таянади. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши сайлов эркинлиги принципини янада тўлиқроқ амалга оширишга, мамлакатимизнинг сайлов тизимини янада демократлаштиришга, сайлов ташвиқотини олиб бориш жараёнида депутатларга, сиёсий партияларга тенг шароитлар таъминланиши самарадорлигини оширишга, шунингдек депутатликка сайловнинг ошкоралиги ва очиқ-ойдинлиги принципларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, Концепцияда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида берилган таклифлар суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончлироқ ҳимоя қилиш мақсадларига эришиш имконини беради.

# Экспертнинг ҳуқуқий мақоми

## ВА ПРОЦЕСС ИШТИРОКЧИЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**М.АБДУРАҲМАНОВ,**
Бош прокуратуранинг ОЎК тингловчиси

***Замонавий шароитларда содир этилган жиноятларни тезкор очиш, дастлабки терговнинг холисона олиб борилиши ва одилона суд қарорларининг қабул қилинишига эришиш илғор техник ютуқлар ва технологияларга асосланган эксперт хулосаларидан самарали фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабли ҳам экспертларнинг асосли хулосалари инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда беқиёс ўрин тутади.***

Қонунчиликда эксперт тушунчасини таъриф лашда асосий эътибор шахснинг турли соҳаларда зарур билимларга эгалигига қаратилади. Бизга маълумки, ЖПКда махсус билимлар тушунчаси кўрсатилмаган, эксперт ҳам зарур билимлар тушунчаси ёрдамида ифодаланган.

Шу ўринда зарур билимга эга бўлган шахслар ҳамда махсус билимлардан фойдаланадиган шахслар тушунчаларини фарқлаш нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиш лозим. Хулоса чиқариш учун махсус билимлардан фойдаланиш айнан алоҳида ҳуқуқий мақомга эга шахслар, яъни экспертларнинг ваколат доирасига киради. Мазкур хулосани терговчи ёки суд инобатга олмаслиги мумкин, лекин ушбу хулосани шахсан ўзи бера олмайди. Зеро, зарур билим барчада ҳам бўлиши мумкин, бироқ махсус билим фақатгина шундай фаолият билан шуғулланишга ҳақли бўлган, чекланган доирадаги шахсларда бўлади.

Юридик адабиётларда экспертга турли-туман таърифлар берилган. Жумладан, Ю.Орлов, экспертга қуйидагича таъриф беради: "Экспертиза ўтказиш учун зарур махсус билимларга эга бўлган, иш юритишда бир қатор процессуал ҳуқуқлар берилган ҳамда процессуал мажбуриятлар юклатилган жисмоний шахс суд эксперти ҳисобланади, у экспертиза ўтказишда процессуал эркинлик ва мустақилликка эга бўлади, ўз билими доирасида хулоса беради ва у бўйича шахсан жавобгарликни ўз зиммасига олади".

Олимларнинг бу каби фикрларидан келиб чиқиб, эксперт тушунчасига муаллифлик таърифини берамиз: "эксперт — жиноят ишлари бўйича процессуал ҳаракатларда қатнашувчи ва маълум бир ҳуқуқий мақомга эга шахс бўлиб, суд ажрими ва суриштирувчи, терговчи, прокурор қарорида кўрсатилган ва мазкур шахслар томонидан берилган далилларни ва жиноят ҳолатини аниқлаш юзасидан саволларга жавоб бериши лозим бўлган маълум бир фан соҳаси, техника, санъат бўйича махсус билимга эга бўлган шахс ҳисобланади".

А.Кудрявцева эса жиноят иши юритишнинг мазкур иштирокчиларини процессуал ҳолати, яъни "эксперт ва мутахассис олдида турган вазифаларни ҳал қилиш даражаси" бўйича бир-биридан фарқлаш лозимлигини таъкидлайди. Муаллифнинг фикрича, "эксперт ўз текширувини амалга ошириш давомида терговчи ва суд томонидан тақдим этилган фактик маълумотлардан эксперт текшируви объектлари ва жиноят иши материаллари бўйича, улардан ташқари, махсус билимлар, эксперт текширувининг ўз тасдиғини топган усулларидан фойдаланган ҳолда улар асосида хулосалар чиқаради. Мутахассис ҳам ўз фаолияти давомида фикр беради, лекин улар текширувларга эмас, балки мантиқий хулосаларга асосланган бўлади. Бунда асосий эътибор, жиноят иши бўйича ҳолатларга, ундан ташқари, маълумот бераётган шахс(мутахассис)нинг махсус билимларига қаратилади".

А.Кудрявцеванинг фикрича, мутахассис ишга "масалаларни тажриба асосида ечиш лозим бўлганда ҳамда бунинг даражаси етарли бўлганда, уларни ечишда лаборатория ускуналаридан фойдаланиш, мураккаб ҳисоб-китоблар, узоқ муддат талаб қилинмаганда" жалб этилиши лозим. "Махсус ишлаб чиқилган усуллар ва тадқиқот усуллари, лаборатория ускуналари, мураккаб ҳисоб-китоблар, узоқ муддат фойдаланиш орқали махсус билимлар асосида тадқиқот ўтказиш зарурияти вужудга келганда эса экспертиза тайинланади".

Ю.Горянов бу борада "мутахассисга ҳам иш юзасидан хулоса бериш ваколатини бериш керак", деб шу билан янги далил турини жиноят процессига киритишни таклиф этади. Бироқ, унинг бу фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки эксперт билан мутахассис ўртасидаги асосий фарқ ҳам шунда намоён бўлади. Бинобарин, мутахассис жиноят иши юзасидан ўзининг тавсиявий тусдаги фикрини беради.

Гарчанд, эксперт фаолияти мутахассис фаолиятига ўхшасада, қатор жиҳатлари билан ундан фарқ қилади. Биринчидан, мутахассис фикри маслаҳат тусида бўлади ва тажрибали терговчининг яна бир бор ўз ҳаракатларига ишончини кучайтиради. Айрим ҳолларда терговчилар ҳам бундай билимга эга бўладилар. Экспертиза эса кўпчилик илғай олмайдиган, баъзида аллақачон йўқолиб кетган далилларни қайта тиклашга ёрдам беради. Иккинчидан, мутахассис экпертдан фарқли равишда тадқиқот олиб бормайди, балки фақатгина далилларни аниқлашга, олишга ва мустаҳкамлашга ёрдам беради, холос. Эксперт бўлса, тадқиқот натижаси бўйича хулоса беради ва унинг тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади. Учинчидан, экспертнинг хулосаси билан жиноят иши қўзғатиладиган бўлса, бундай ҳаракатлар учун эксперт шахсан жавоб беради. Мутахассиснинг жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлувчи ҳаракати учун терговчи жавобгар ҳисобланади, чунки унинг фикри маслаҳат кўринишига эга.

Экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЖПКнинг 68-моддасида мустаҳкамланган. Бироқ, қонунчиликда суд мажлиси баённомаси билан танишиш мумкин бўлган иштирокчилар қаторига эксперт киритилмаган бўлиб, унинг баённома билан танишиш ҳуқуқи бор ёки йўқлиги очиқ қолган ва энг муҳими, эксперт ўзининг сўроқ қилингани ёки хулоса юзасидан берган кўрсатувлари акс этган баённома қисмини имзолаши масаласини қонунда изоҳлаш зарур. Шу нуқтаи назардан, ЖПКнинг 68-моддасига экспертнинг ўзи қатнашган суд мажлиси баённомаси билан танишишга ҳақли эканлиги тўғрисидаги қоидани мустаҳкамлаш зарур.

Шу билан бир қаторда, экспертнинг мазкур мажбуриятлари сирасига яна экспертнинг ўз хулосаси юзасидан жавобгар бўлиши, тегишли ҳолларда ўзини рад этиши лозимлиги, суриштирув ва дастлабки терговда аниқланган маълумотларни ошкор қилмаслик, ўз хулосаси юзасидан ёлғон гувоҳлик берганлиги учун жавобгарлиги, экспертиза текшируви натижалари бўйича хулосани экспертизани тайинлаган органга дарҳол тақдим этиши каби талабларни ҳам мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Экспертнинг била туриб ёлғон хулоса берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши (238-модда) хусусида сўз юритадиган бўлсак, ЖКнинг 238-моддаси бўйича экспертни жиноий жавобгарликка тортиш учун қуйидагилар бўлиши лозим: 1) бундай хулоса тергов ва иш судда кўрилаётган даврда берилиши; 2) мазкур эксперт хулосаси тергов ва суд томонидан кўрилаётган ишга бевосита дахлдор бўлиши. Яъни, эксперт томонидан ўзи ҳақида — маълумоти, иш стажи ва шу кабилар бўйича ёлғон маълумот бериши жиноят таркибини ташкил қилмайди.

Ёлғон хулоса бериш экспертнинг ёлғон хулоса тузиши ва бериши каби фаол ҳаракатлари орқали амалга оширилади. Эксперт унинг қонунга хилоф ҳаракати натижасида қандайдир натижа келиб чиқишидан: терговчи (суд) унинг хулосасини қабул қилгани, ушбу хулоса асосида шахс жавобгарликка тортилгани(жавобгарликдан озод этилгани)дан қатъи назар, жиноий жавобгарликка тортилади. Тўғри қасд билан ҳаракат қилган, яъни тўғри жавобни била туриб, ёлғон хулосалар берган эксперт жиноий жавобгарликка тортилади.

Бизнингча, ЖПКнинг 174-моддасидаги экспертиза муассасаларида ўтказиладиган экспертизаларга яна экспертиза тайинланиши ва ўтказилиши шарт бўлган ҳолатларни аниқлашни таъминловчи экспертиза турларини киритиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, суд психологияси, суд бухгалтерияси каби олдин мураккаб ва чекланган шахсларгина амалга оширадиган ҳаракатлар бугунга келиб ихтисослашган хусусий клиникалар томонидан ҳам сифатли ўтказилиши имкониятларининг юзага келгани боис, ушбу экспертиза турларини фақат экспертиза муассасалари томонидан ўтказиладиган экспертиза турларидан умумий тартибга қўшиш тўғри бўларди.

Экспертиза ўтказишда иштирок этувчи субъектлардан яна бири экспертиза муассасаси раҳбари бўлиб, таассуфки, ЖПКда унинг ҳуқуқий ҳолати белгиланмаган. Бу эса унинг жиноят процесси иштирокчиси бўлиши тўғрисидаги масалага соя солади. Шу сабабли, фикримизча, экспертиза муассасаси раҳбарининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, жавобгарлик доирасини қонунчиликда алоҳида моддада баён этиш ҳамда мансабдор шахслар сирасига киритиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, айниқса, комиссиявий ва комплекс экспертизаларда экспертиза муассасаси раҳбарининг ўрни беқиёс, чунки у экспертиза учун юборилган ишни тақсимлайди, тадқиқот усулини белгилаб беради, умумий хулосани шакллантиради.

# Битимлар ҳақиқий саналмаса...

**А.БОЗОРОВ,**
Булунғур туман прокурори

***Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида фуқаролик ҳуқуқи субъектларига кенг имкониятлар берилиши улар иштирок этишлари мумкин бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доирасининг кенгайишига замин яратилди. Бунинг натижасида, фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлар учун ҳуқуқий макон вужудга келиб, ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамланди. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир субъект ўзаро ҳуқуқий муносабатга киришар экан, энг аввало, ушбу муносабатнинг ҳуқуқий шакли саналган битимнинг қонун мезонларига мувофиқлигига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Акс ҳолда, ўз-ўзидан мазкур битимнинг ҳақиқий саналмаслигига олиб келиши мумкин.***

Собиқ Иттифоқ тузуми даврида битимлар ва уларнинг ҳақиқий эмас лик оқибатларига нисбатан бир ёқлама ҳамда давлатнинг иқтисодий ҳукмронлиги билан қаралган эди. Мустақилликдан сўнг, бу муносабат кескин ўзгарди. Эндиликда битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш асосларининг кенгайганлиги ўз-ўзидан ҳақиқий саналмайдиган битим тушунчаси ва турлари, уларнинг ҳуқуқий оқибатларини янгиланган фуқаролик қонунчилиги ва иқтисодий қонуниятлар замирида таҳлил этишни тақозо этмоқдаки, бу ҳолат аввало битимларни ҳақиқий эмас, деб топишда субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, бузилган ҳуқуқларнинг суд орқали ҳимоя қилиш тамойилидан келиб чиқади.

Битимларнинг ҳақиқий эмаслиги қуйидагилар билан белгиланиши мумкин:

а) мазмунининг ноқонунийлиги;

б) уни тузувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг битим тузишга ҳақли эмаслиги;

в) эрк-ирода ва эрк-ирода изҳорининг номувофиқлиги;

г) битим шаклига риоя этилмаганлиги.

Амалдаги фуқаролик қонунчилиги суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топиладиган низоли битим ёки бундай деб топилишидан қатъи назар, ҳақиқий эмас, деб ҳисобланадиган, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларни фарқлайди. Битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик, қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаган, ўн тўрт ёшга тўлмаган ёки ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган, вояга етмаган шахс, муомалага лаёқатсиз, деб топилган ёки муомала лаёқати чекланган, ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан, янглишиш, алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида, қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган, шунингдек, юридик шахс ҳуқуқий лаёқатидан ташқарига чиқадиган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги шулар жумласидандир.

Судлар томонидан битимлар билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда қонун талабларининг бир хил қўлланилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги Қарори билан судларга батафсил раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Амалиётдаги бу каби ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, битимларнинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ фуқаролик ишларининг нисбати кейинги йилларда сезиларли даражада ошган. Масалан, 2012 йилда республика бўйича судлар томонидан жами 156651 (2011 йилда 299943) та фуқаролик ишлари кўрилган бўлиб, шундан 1406 тасини ёки 0,9 фоизини битимни ҳақиқий эмас, деб топиш билан боғлиқ ишлар ташкил этади.

Хусусан, битимни ҳақиқий эмас, деб топиш билан боғлиқ ишларнинг 435 таси ёки 30,9 фоизини қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаган, ўн тўрт ёшга тўлмаган ҳамда ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахс томонидан ҳамда муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан, 35 таси ёки 2,5 фоизини ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан, 676 таси ёки 47,9 фоизини янглишиш ҳамда алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида ва 259 таси ёки 18,4 фоизини қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган ҳамда юридик шахс ҳуқуқий лаёқатидан ташқарига чиқадиган битимларнинг ҳақиқий эмас, деб топилиши билан боғлиқ ишлар ташкил этади.

Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган битим қонунийликни таъминлашда, қонун ҳужжатларига бир хилда риоя қилинишига эришилишида салбий ҳолат ҳисобланади ва бунга нисбатан қатъий чораларни белгилаш лозим. Шу сабабли, тарафларнинг ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши битимлар тузмаслигига эришиш ҳамда бу борадаги жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида бундай битимлар асосида олинадиган ашёларни давлат даромадига ундирилишига оид қоидаларнинг фуқаролик қонунчилигидаги ўрни муҳим аҳамият касб этади.

# Инсоннинг дахлсиз ҳуқуқи

*Мустақилликнинг илк кунлариданоқ республикамизда суд-ҳуқуқислоҳотлари босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотларнинг асосий вазифаси қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.*

**Олимжон ДЖУРАЕВ,**
Бош прокуратуранинг ОЎК тингловчиси

Президентимиз Ислом Каримов "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да таъкидлаб ўтганидек, бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир.

Инсон ҳуқуқлари ичида энг муҳими бу яшаш ҳуқуқидир. Илк бор 1776 йилги АҚШ мустақиллик Декларациясида инсоннинг яшаш ҳуқуқи ўз аксини топган. Кейинги қарийб икки юз йил мобайнида бу ҳуқуқ бирорта давлатнинг конституциявий ҳужжатларига киритилмаган. Фақатгина унинг 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида халқаро миқёсида умумэътироф этилиши мазкур ҳуқуқни бир қатор мамлакатлар конституцияларига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритишга туртки бўлиб хизмат қилди. Хусусан, Конституциямизнинг 24-моддасида шахснинг энг асосий ҳуқуқлари сифатида яшаш ҳуқуқи мустаҳкамланиб, жумладан, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятлиги белгиланган.

Инсон ҳаётини ҳимоя қилишдек муҳим вазифани бажариш учун Ўзбекистонда, аввало, кучли норматив-ҳуқуқий базани яратиш, давлатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш функциясини амалга оширишга мўлжалланган мустақил ва қудратли суд ҳокимиятини шакллантириш зарур.

Маълумки, белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг энг муҳим воситалари ва шартлари бу қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлат ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, фуқаролар ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгининг оширилишидир. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқларига содиқ қолмасдан демократия, одиллик ва инсонпарварликка эришиб бўлмайди.

Яшаш ҳуқуқи инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқи экан, ундан маҳрум қилиш, яъни одам ўлдириш энг оғир ва хавфли жиноятлардан бири ҳисобланади. Ушбу жиноятга қарши курашишнинг биринчи ўринга чиқиши жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш негизидаги энг асосий концептуал ғоя, яъни инсон ҳаёти ва соғлиғи, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ғоясига тўла мувофиқдир. Бунда жиноят ҳуқуқи нормалари ҳам асосий ўрин тутади. Ҳозирда Жиноят кодекси инсон ҳаётини муҳофаза қилиш вазифасини ўзига хос услублар, жумладан, ҳаётга қарши жиноятлар таркибини шакллантириш ҳамда уларнинг содир этилиши учун жиддий санкциялар белгилаш орқали бажармоқда.

Қасддан одам ўлдириш жинояти инсониятнинг тарихий ривожланиш босқичларида ҳар доим энг оғир ижтимоий хавфли қилмиш сифатида баҳоланган. Шартли равишда ушбу жиноят учун жазо тайинланишини қуйидаги тўртта тарихий босқичга ажратиш мумкин:

Биринчиси, қадимги ва антик даврларда одам ўлдириш учун жавобгарликнинг белгиланиши. Бу давр ўз ичига милоддан аввалги учта минг йилликни ва Ғарбий Рим империяси қулашига қадар даврни киритади. Бу давр одам ўлдириш учун жавобгарлик жорий этилиши ва жуда қаттиқ, даҳшатли жазо турларининг қўлланиши билан алоҳида тавсифланади;

Иккинчиси, ўрта асрларнинг илк ва ривожланган даврларида одам ўлдириш жинояти. Бу давр милодий V аср охири ва XVII аср охири — XVIII аср бошини ўз ичига олади. Бунда содир этилган жиноятларга нисбатан жиноий жавобгарлик турли хил соҳавий норматив ҳужжатлар асосида қўлланганини, қасддан одам ўлдириш учун жавобгарликни белгиловчи кўплаб турфа хил нормалар мавжудлиги билан тавсифланади;

Учинчиси, янги тарих даврида қасддан одам ўлдириш учун жавобгарлик. Бу давр ўз ичига XVIII аср бошини — XIX аср бошидан XX аср ўрталаригача бўлган даврни киритади. Бу давр кўп хорижий давлатларда жиноят қонунчилигини кенг кўламда кодификация қилиш (Жиноят кодексларни қабул қилиш) билан тавсифланади. Айнан шунинг учун жиноий жавобгарлик бир қонун ҳужжати билан тартибга солиниб, вақт ўтиши билан мазкур нормалар бошқа давлатлар жиноят қонуни кодификациясига туртки берди;

Тўртинчиси, ҳозирги даврда қасддан одам ўлдириш жинояти. Бу давр ўз ичига XX аср ўртасидан бугунги кунгача бўлган вақтни қамраб олади. Бу давр нафақат жиноят қонунининг кодификацияси давом эттирилиши, балки қасддан одам ўлдириш жиноятлари бўйича алоҳида статистика юритилиши, турли хил сўровлар ўтказилиши, шунингдек, бу соҳадаги халқаро ҳамкорлик янада кенгайиши ва мустаҳкамланиши билан ажралиб туради.

XXI асрда кўпчилик ривожланган ва ривожланаётган давлатлар, шу жумладан, ёш мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳам инсон ҳуқуқларининг кафолатланишига катта эътибор қаратмоқда. Масалан, Конституциямизнинг VII бобида фуқароларнинг "шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари" белгиланган бўлиб, унда инсон ҳаётини ҳимоя қилиш, шахсий дахлсизлик, айбсизлик презумпцияси, турар жой дахлсизлиги, эркин кўчиб юриш ҳуқуқи асосий қонунимиз даражасида мустаҳкамлаб қўйилди.

Конституциямизнинг 25-моддасида шундай дейилади: "Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас". Шунингдек, 27-моддада таъкидланишича, "Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллар ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас". Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Бош Қонунимизнинг ушбу меъёрида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги "Ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши мумкин эмас" ёки "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт"даги "Ҳар бир инсон озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас", деган қоидалар ўз аксини топган.

Қасддан одам ўлдириш каби зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг профилактикасида алоҳида эътиборни оилага, аҳоли яшаш шароитларига қаратиб, ушбу жиноятнинг олдини олишнинг қуйидаги йўналишларини ажратиш лозим: оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни профессионал равишда ҳал қилиш; оила маданияти даражасини ошириш, айниқса, оиладаги ўзаро муносабатларни янада яхшилаш; оилага яқин микромуҳитни соғломлаштириш чораларини кўриш; болаларни соғлом муҳитда тарбиялаш, шунингдек, ота-оналарнинг салбий ва ижтимоий хавфли таъсиридан болаларни асраш учун ота-оналар зиммасига маълум жавобгарликни юклайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш.

# Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш

*/Давоми. Бошланиши 5-бетда/*

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши тўғрисидаги қонун қабул қилингунига қадар вояга етмай туриб унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланиши белгиланган бўлса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланиши мумкин эмас, деб топилди.

Шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилиш жазолари ҳомиладор аёлларга, уч ёшгача болалари бор аёлларга нисбатан ҳамда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Республикамизда 2008 йил январь ойидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоларини тайинлаш жорий этилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, бундай жазо қандай турдаги жиноятларни содир қилганлигидан қатъи назар, республикамизда хотин-қизларга, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланилмайди.

Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Бу қонуннинг жорий этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят-процессуал қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби анъаналарига мос равишда ярашув институти жорий этилди.

Қонунга киритилган ярашув институти қоидаларига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар ўз айбига иқрорлик билдирса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликка тортилмайди ва жиноят иши ярашув асосида тугатилади.

Мустақиллик даврида прокуратура органлари фаолиятини ислоҳ қилиш, уни собиқ тузум давридаги партиявий элита қўлидаги жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари изчил ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантириш учун салмоқли ишлар амалга оширилди.

2001 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, фуқаролар прокурор назорати объектидан чиқарилди, айни вақтда прокуратура органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича масъулияти оширилди.

Прокуратура ваколатидан суд қарорларининг ижросини тўхтатиб туриш ваколати ҳамда туман ва шаҳар прокурорлари ваколатидан эса тергов ва айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ҳуқуқлари бекор қилинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, концепцияда белгиланган суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ҳақидаги вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби белгиланди.

Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритилиб, биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклаш белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддаси ўзгартирилиб, суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколати чиқарилди, чунки жиноят ишини қўзғатиш суриштирув ва дастлабки тергов органлари, жиноий таъқибни амалга оширадиган бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси ҳисобланади ва суддан шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканлигини баҳолаш талаб этилади.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан 2012 йил 25 декабрда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Республикамиз Президентининг юқорида қайд этилган маърузасида фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш зарурлиги таъкидланган бўлиб, бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси қатор янги моддалар билан тўлдирилди. Ушбу кодекснинг 178-моддаси ва 223-моддасининг учинчи қисми ҳамда 249-моддаси янги таҳрирда қабул қилинди. Монополияга қарши органга ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органларга ахборот тақдим этмаганлик, паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун масъул шахсларнинг ўзларига бириктирилган вазифаларни бажармаганлик учун маъмурий жавобгарликлар белгиланган бўлса, кодекснинг 249-моддаси янги таҳрирда қабул қилиниб, давлат ёнғин назорати органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллашга ваколатли шахслар рўйхати, маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича баённома тузилмайдиган ҳолатлар белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, концепцияда белгиланган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

# Саробга айланган орзулар



***Талабалик гаштини суриш ўрнига Сирожиддин Амиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) мўмай даромад топиш васвасасига тушиб қолади. Ёзги таътилни ота-онаси билан Қаршида ўтказишга одатланган Сирожиддин бу гал бир ойга қолмай Тошкентга қайтиб келди.***

2012 йилнинг июль ойларида «МТС» алоқа компаниясининг иши тўхтаб қолганлиги Сирожиддинга қўл келди. У вақтни бой бермасдан дарҳол "Beeline" компаниясидаги танишлари билан боғланиб, икки-уч кишига телефон рақамлари олишда ёрдам бера бошлади. Кунларнинг бирида рақам олган мижозлардан бири унга қўнғироқ қилиб, яна иккита чиройли рақам топиб беришни сўрайди. Суҳбат давомида улар Миробод туманидаги "Efendi" ресторани олдида учрашув белгилашади.

Учрашув жойига эртароқ келган Сирожиддин зерикиб кетганидан ресторандаги мижозларни кузата бошлади. Мижозларнинг аксарияти хорижлик пулдорлар эканлиги билиниб турарди. Шу пайт нотаниш бир киши унинг олдига келиб, унга таниганини айтди. У нотаниш кимсага юзланди-ю: "Сизни танимайроқ турибман", деб жавоб қайтарди.

— Ие, ана бўлмаса! Ўтган куни "Beeline" компанияси олдида кўришиб, номер олишда ёрдам берган эдинг.., — деди бояги нотаниш киши. Суҳбат давомида у ўзини Жасур деб таништириб, "Beeline"дан яна олти дона чиройли рақамлардан топиб беришини сўради.

Шу пайтда Сирожиддиннинг телефони жиринглаб, кеча учрашув белгилаган таниши келолмаслигини айтди. Учрашув бекор бўлганидан унинг кайфияти тушган бўлса-да, Жасурга билинтирмади. У буюртмани қўлдан чиқармаслик мақсадида дарров унга жавоб қайтарди:

— Майли, гап бўлиши мумкин эмас. Фақат озроқ харажати бўлади-да.

— Мен-ку харажатдан қочмайман. Муҳими рақамлар чиройли бўлсин.

— Ҳозирча 200 "кўк"идан бериб турасиз. Қолганини сим картани олганда берасиз.

— Хўш, қачон олиб берасан?

— Уч-тўрт кун ичида.

— Тезлат ука. Бизнесмен учун вақт — пул дегани.

Жасур унинг телефон рақамини ёзиб олиб, унга ўша заҳоти 200 АҚШ долларини бериб юборди.

Сирожиддин пулни олди-ю жуфтагини ростлади.

Орадан ҳафталар ўтса ҳамки Сирожиддин Жасурнинг қўнғироқларига жавоб бермади. Бу иш унга гўё хамирдан қил суғургандек бўлди. Бир ҳафтага қолмай у бояги пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб, телефон рақамини ҳам алмаштирди.

Ёнида пули қолмаган Сирожиддин яна "ўлжа" қидира бошлади. Даромадлироқ "иш"ни кўзлаётган Сирожиддинга таниши Абдураззоқ Болтабоевнинг машина олишда ёрдам беришни сўраб қилган қўнғироғи айни муддао бўлди. Ўша куни кечқурун улар "Магнит" дўкони олдида кўришиб, машина нарх-навоси ва тегишли ҳужжатлар ҳақида маслаҳат қилишди. Абдураззоқ машинага доир тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнларини ҳам Сирожиддиннинг ўзига юклаб қўя қолади.

С.Амиров алдов қурбонига айланаётган мижозининг ишончидан фойдаланиб, унинг илтимосига рози бўлди. Шундай қилиб, у мижозига 69 минг АҚШ долларига машина ва унга тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб беришни ваъда қилди. Мижоз ҳам ишни пухта қилмоқчи бўлиб, пулларни иккига бўлиб беришини айтди. Сирожиддин эса пулнинг бир қисмини ўша куни "закалат" сифатида буюртма учун бериб қўйишини сўради.

Абдураззоқ ўша заҳоти уйига бориб, отасидан қарз сўради.

Отаси хавотирли саволларига хоҳламайгина жавоб қайтарган ўғлига, "Алданиб қолмагинда, ишқилиб", дея қолди.

Абдураззоқ Болтабоев ўша куни кечқурун Сирожиддинга қўнғироқ қилиб, пулни тайёрлаб қўйганини айтади. Машина "закалат"и учун тайёрлаб қўйилган 30 минг АҚШ долларини олгани келган Сирожиддин қолган қисмини ҳам тезлаштириш кераклигини тайинлаб кетди.

Эртасига эрталаб А.Болтабоев ўзи миниб юрган "Эпика" машинасига харидор топиш учун Сергелидаги машина бозорига чиқади. Икки кун ичида харидор чиққани учун машинани арзонроқ нархда сотиб юборади. Машина сотилган куни кечқурун у С.Амировга қўнғироқ қилиб, машина учун яна 20 минг АҚШ долларини уйидан олиб кетишини айтди. Орадан икки кун ўтиб, қолган 19 минг АҚШ долларини ҳам Сирожиддинга бериб юборди. Аммо бу сафар у машинани тезроқ олиб беришни ҳам тайинлади.

Кунлар кетидан ҳафталар ўтса-да, машинадан дарак йўқ. Қўнғироқлари эса жавобсиз... Сабр косаси тўлган Абдураззоқ Сирожиддиннинг уйига борди. Унинг ижарада яшашини ва бу ердан кўчиб кетганлигини билиб, тарвузи қўлтиғидан тушганча қайтиб келди.

Ўғлининг алданиб қолганини эшитган ота юрак хуружи билан касалхонага тушиб қолди. Бундан баттар ғазабланган Абдураззоқ Сирожиддинни топиш учун унинг танишларидан суриштира бошлади.

Бир неча кундан сўнг С.Амиров танишидан уни А.Болтабоев қидираётганини эшитиб, қўрқоқ олдин мушт кўтарар, қабилида иш тутади. Жавобгарликдан қутулиш мақсадида ички ишлар бўлимига шикоят-ариза билан мурожаат қилади. У ўз аризасида А.Болтабоев гўё унга жисмоний ва руҳий тазйиқ ўтказиб, товламачилик йўли билан ундан жуда кўп миқдорда пул талаб қилаётганлигини ҳамда зудлик билан чора кўрилишини сўрайди.

Сирожиддин ҳар қанча чиранмасин, дастлабки терговдаёқ унинг ёлғонлари фош этилди. Шунингдек, "Телефон рақами олиб бераман", деб пулини олиб, алданиб қолганларнинг ҳам шикоят аризалари унга нисбатан иш қўзғатишга асос бўлди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини чалғитиши ва ёлғон кўрсатма бериши С.Амировнинг жавобгарлигини янада оғирлаштирди.

Суд С.Амировнинг содир этган жиноятлари ҳамда жабрланувчиларнинг кўрсатмаларини ҳисобга олиб, унга тегишли жазо тайинланди.

Зеро, ҳаётда эгриликдан тўғрилик, ёлғондан ҳақиқат, ҳаромдан ҳалоллик, албатта, устун келиши доимо ўзининг исботини топган.

**Рустам АБУЛХАЙРОВ,**
Миробод туман прокуратурасининг катта терговчиси
**Гули ҲОЖИБОЕВА,**
«Huquq»

# Шайтон измидаги аёл

***Нозик хилқат, гўзаллик тимсоли, вафодор турмуш ўртоқ, меҳрибон она каби иборалар аёл зотига бериладиган таърифларнинг бир қисми, холос. Дарҳақиқат, аёлни қанча улуғласак, қанчалар эъзозласак, кўкларга кўтариб, мадҳ этсак арзийди. Уларсиз ҳаётимизни тасаввур қилолмаймиз, оилада унинг ўрнини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Бироқ биз нозик хилқат, дея номини кўкларга кўтарадиган аёлларнинг виждон ва иймонга юзини тескари буриб, ҳаром ишларга қўл ураётгани жуда ачинарли ҳол, албатта.***

**Убайдулло САЪДУЛЛАЕВ,**
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Фарангиз Умирова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) оилали, 2 нафар фарзанднинг онаси бўла туриб, муқаддам судланган. У суднинг қора курсисига ўтириб ҳам ўзига тегишли хулоса чиқармади. Фарангиз яна жирканч жиноятга қўл урди.

Ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар қилиш керак, деган тушунчалар Фарангиз Умировага мутлақо бегона эди. Акс ҳолда, даромад орттириш мақсадида хонадонлардан бирида исловотхона (фоҳишахона) ташкил қилмаган бўларди. Даромад келтирадиган ҳар қандай ишни ўзича "тадбиркорлик"ка йўйган Фарангиз жиноий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаро Раҳима Холиқова ва вояга етмаган Гулноза Тўлагановаларни шаҳвоний мақсадда ёллаб, уларни фоҳишаликка мажбур қилган. У бу хатти-ҳаракатлари билан бугун жамиятимиз жиддий тарзда курашаётган одам савдоси жиноятига қўл ураётганини ўйлаб ҳам кўрмаган.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Раҳима Холиқова Фарангиз билан 2009 йилда танишиб қолганлигини, уйида ижарада яшаб турishни илтимос қилганида, исловотхоначи аёл ундан кунига 15 минг сўмдан ҳақ талаб қилганлигини, агар тўлолмаса, ижара ҳақи эвазига мижозларга "хизмат" кўрсатиши кераклигини айтганида розилик билдирганини баён қилди. "Хизмат"ни Раҳима қилар, пуллар ижара ҳақи сифатида Фарангизнинг "сейф"ига жойланарди. Бу ҳам етмагандай, хонадон соҳибаси овқатланиш учун ҳам пул ҳисоблаб, Раҳимани қарзга ботираверди.

Қинғир ишнинг қийиғи чиқиши тайин. Бу сафар ҳам шундай бўлди. 2012 йилнинг 20 март куни Навоий шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда яширин исловотхона фаолияти фош этилди. Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди томонидан Фарангиз Умировага тегишли жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, бугун одам савдосига, инсон шаъни ва қадр-қимматини камситишга ҳамда "уй қуллигига" маҳкум этишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга қарши кескин чоралар кўрилмоқда. Бу борада оммавий ахборот воситалари орқали кўплаб чиқишлар қилинаётганига қарамай, Фарангиз каби аёлларнинг нафс қулига айланиб, жирканч жиноятга қўл ураётгани ачинарли ҳол. Бундан ташқари, жабрланувчилар ҳам, ёнгинасида фоҳишахона очиб олганини кўра-била туриб, "тилини тийиб" юрган кўни-қўшнилар ва маҳалла-кўй ҳам вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермай уларнинг тегирмонига сув қуймоқда. Бундай жиноятларнинг олдини олиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг вазифаси, балки барчанинг бурчи ҳисобланади.

***Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқиши аниқлигини бугун ҳамма билади. Аммо баъзи кимсалар борки, охири войлигини тушунган ҳолда қонунни бузади.***

# Кумуш операцияси

**Бектош ХАЛИЛОВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Андижон вилоят бошқармаси катта инспектори

Бойлик яхши, лекин уни ҳалол йўл билан топишга ҳаракат қилиш керак. Бизнинг «қаҳрамон»ларимиз эса сира иккиланмай ноқонуний йўл билан бойлик орттиришни мақсад қилишди. Омад келса, яхшигина фойда олишни кўзлаган бу шоввозлар ўйлаган «операция» охирига етмай барбод бўлди.

Акмал Қурбонов ҳалол меҳнат қилиш ўрнига текин даромад орттиришни мақбул кўрадиганлар хилидан бўлиб, ўз ҳамтовоғи, Андижон шаҳрида яшовчи Нодирбек Камолов билан бирга қимматбаҳо металл ҳисобланган кумуш савдоси билан шуғулланишни мақсад қилишди. Улар кўп миқдордаги кумушни сотиб, пул қилиш учун харидор қидириб топишади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Андижон вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбир туфайли уларнинг режаси амалга ошмади. Андижон шаҳридан "Андижон" меҳмонхонаси ёнида фуқаро А.Қурбонов ўзига тегишли бўлган "Нексия" автомашинасида харидорга оғирлиги 3 кг. миқдордаги кумушни ҳар бир килограммини 900 АҚШ долларидан, жами 2700 АҚШ долларига сотишга келишиб, уни харидорга пуллаётган пайтда қўлга олинди. Шунингдек, А.Қурбоновнинг ҳамтовоғи Н.Камолов ҳам яна шу харидорга 1 кг. 955 грамм кумушни 1440 АҚШ долларига сотаётганда ушланди.

Кумушфурушлардан олинган қимматли металл тарозидан ўтказилганда 2 кг. 595 грамм эканлиги, унинг умумий қиймати 3 млн. 892 минг сўмни ташкил этиши маълум бўлди. Қимматбаҳо металл давлат ҳисобига ўтказилди. Йигитлар эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилдилар.



# Ўғрилик ортидаги пушаймонлик

**Рустамжон ҚУВАНОВ,**
Сергели туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Россия телеканалларининг биридаги кўрсатувда автомобиль билан боғлиқ жиноятлар ҳақида сўз кетар экан, унинг ниҳоясида Ўзбекистондаги тинчлик ва хотиржамликка урғу бериб ўтилди. Унда бошловчи, "Бундай жиноятларга барҳам беришда, Ўзбекистон тажрибасини амалда қўллаш керак, чунки ҳозир у ерда автомобилингизни очиқ ташлаб кетсангиз ҳам ҳеч ким тегмайди", дея кўрсатувни якунлади. Дарҳақиқат, бу борада республикамизда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида автомобиллар даҳлсизлиги йилдан-йилга ошиб, ҳайдовчиларимизга катта имкониятлар яратилаётир. Баъзида содир этилаётган автотранспорт воситалари билан боғлиқ жиноятларга ўз вақтида барҳам берилмоқда.

Зангиоталик Ҳусниддин Ҳасановнинг юқорида айтиб ўтилган гаплардан хабари бўлганда эди, жиноятга қўл урмаган бўларди. Бу шахс аввал ҳам бир маротаба жиноят содир қилиб, суд ҳукми билан жазосини олган бўлсада, тўғри йўлни танлаб, ҳалол меҳнат ортидан пул топишга бўйни ёр бермади.

Ҳ.Ҳасанов 2011 йилнинг 12 декабрь куни тунги соат икки яримларда Сергели тумани ҳудудида ўғрилик қилиш учун "ов"га чиқади. Унинг эътиборини тумандаги еттинчи мавзенинг 44-уйи олдида турган "Ваз-2105" автомобили тортди. Атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилган бу кимса автомашинанинг эшиги қулфини бузиб, ундаги жами 160 минг сўмлик турли буюмларни олиб, воқеа жойидан яширинади. "Ўлжа"ни осонгина қўлга киритган Ҳусниддин шу куни бу билан қаноатланмайди. У энди 42-уйнинг олдида турган А.Раҳматуллаевга тегишли "Ваз-2106"нинг эшикларини очиб, бу автомобилдан ҳам 80 минг сўмлик буюмларга эга чиқиб, ўзининг "жанговар" юришини давом эттиради. Иккинчи автомобили ҳам "тозалаб" буюмларига эга чиққан Ҳ.Ҳасанов учинчи машинанинг қулфини бузади. Э.Канга тегишли "Ваз-2106"даги 200 минг сўмлик буюмлар ҳам жиноятчининг қопидан жой олади. Қўлга киритилаётган мулклар Ҳусниддиннинг иштаҳасини очиб юборди шекилли, у ўзининг жиноий хатти-ҳаракатларини шу куни яна давом эттиради. Фуқаро С.Йўлдошев автомобилининг қулфи ҳам зумда ўғри йигит томонидан бузилди. Ундаги 215 минг сўмлик буюмларни олган бош қаҳрамонимиз воқеа жойидан тезда қочишга улгурди. Халқимизда "ўғри бўл, инсофли бўл", деган ҳазиломуз гап бор. Бу Ҳ.Ҳасановга ўхшаш кимсаларга айтилган шекилли, у бир кечада олтита автомобилни шипшийдон қилиб, унинг эгаларини қақшатди. Хуллас, шу кечада яна икки автомашинанинг қулфи Ҳусниддиннинг қўли билан бузилди. Уларнинг биридан яна 150 минг сўмлик, иккинчисидан эса 100 минг сўмлик мулклар ўғрининг "ихтиёри"га ўтди.

Навбатдаги вазифа эса, ўғирланган мулкларни хавфсиз жойга олиб бориш эди. "Қулфбузар" ярим тунда кўчадан машина тўхтатиб, буюмларни унга ортаётган вақтда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ушланди.

Жиноят ишлари бўйича Сергели туман судида Ҳ.Ҳасанов айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилган ишидан пушаймонлигини айтиб, суддан енгилроқ жазо тайинлашни сўради. Суд Ҳ.Ҳасановга 5 йилу 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, ҳукм чиқарди.

*Кечки овқатни тановул қилиб бўлишса-да, эрининг уйга қайтмаганидан хавотир олган бека, телефон қилиб, қаердалигини сўраган эди, "йўлдаман, бориб қоламан", деган жавобни эшитди. Аммо орадан бир неча соат ўтди ҳамки, эридан дарак бўлмади.*

# Кўрнамак

**Ойбек АБРОРОВ,**
Сирдарё туман прокурори ёрдамчиси

— Отанг билан бирга эдинг, сенга ҳеч нарса демаганмиди? — дея ўғлини сўроққа тутди.

— Поччам билан мени уйга яқин ерда тушириб, ўзи Расул билан бир жойга ўтиб келаман, деганди.

— Қайси Расул?

— Амакимни ўғли.

Ўғлининг жавобидан аёл анча хотиржам бўлган бўлса-да, негадир кўнгли хижил бўла бошлади. Соат тунги бирларга яқинлашганда, ўғли билан Расулникига йўл олди. Кўзларини ишқалаб чиққан Расул (исм-фамилиялар ўзгартирилган) уларни кўрди-ю, талмовсираб қолди. Шундай бўлса-да, тезда ўзини қўлга олиб, амакиси бир танишидан 200 минг сўм қарзни олиб келгин, деб уни кўприк ёнида туширгач, ўзи машинани ҳайдаб кетганини айтиб берди. Она-бола уйга қайтишди. Шу кеча аёл тонг отгунча мижжа қоқмади.

Аммо, эртасига тушликка яқин эрининг жасади автомашинаси билан каналдан топилгани ҳақидаги хабарни эшитиб, ҳуши бошидан учди, ноласи оламни тутди...

Шоликорлик билан шуғулланиш мақсадида фермер хўжалиги ташкил қилгач, туман ҳокимлигига мурожаат қилиб, 78 гектар ер ажратилишига муваффақ бўлган Мурод Ҳакимов енг шимариб, ишга киришди. Меҳнат қилган, кам бўлмайди. Йилдан-йилга фаолияти кенгайиб, шунга яраша даромад ҳам қила бошлади. Икки йилча аввал бекор юрган жияни Расулни ёнига олди. Кўп ўтмай унга ўзига тегишли ер майдонидан 10 гектарини ҳеч қандай ҳужжатсиз ажратиб ҳам берди. Ўз навбатида Расул ҳам ернинг 1,5 гектарига шоли экиб, қолганини ҳамқишлоқларига ижарага бўлиб берди. Амакиси унинг ишларига аралашмагани, аниқроғи, топган даромадидан тама қилмагани сабабли, тезда рўзғорини бутлаб, чўнтаги ҳам уч-тўрт сўм пул кўрди.

Бироқ, амаки-жияннинг ҳамкорлиги узоққа чўзилмади. Бунга сабаб, М.Ҳакимовнинг иши юришмай, орқага кета бошлагани-ю, жиянидан ўзи унга фойдаланиш учун берган ернинг ижарасидан келадиган пулни сўрагани бўлди. Агар ўшанда жиян амакисининг ҳимматидан озми-кўпми манфаатдор бўлганини ҳисобга олиб, унинг шартига кўнганида, М.Ҳакимов тезда қарзидан қутулар ва яна ҳаммаси эски ҳолига тушиб кетармиди? Афсуски, ундай бўлмади. Расул осмондан тушгандек келаётган даромаддан ажралиб қолишни хоҳламади.

Хуллас, амакиси йўқлаб қолди-ю, Расул бундан икки ойча олдин бир қўшнисидан 140 минг сўмга сотиб олган ов милтиғини яширинча халтага ўраб, йўлга чиқди. Манзилга етиб келгач, милтиқни амакисига тегишли "Дамас" автомашинасининг орқа томонига яшириб қўйди. Бироздан кейин амакиси уйдан чиқиб, у билан ўзининг куёвини машинасига ўтқазиб, далага олиб кетди. Расул ўрилган шолини йиғиб, юк машинасига ортишда уларга ёрдамлашди. Сўнгра, шолини дала ҳовлига келтириб тўкишди-да, уйга қайтишди. М.Ҳакимовнинг уйига яқин жойда амакиси "Дамас"ни тўхтатиб, "Сизлар уйга кетаверинглар", — дея ўғли билан куёвини тушириб юборди. Кейин Расулга ўгирилиб: "Бир жойга ўтиб келамиз", деди-да, газни босди.

Улар кўп юришмади. Кўприк ёнига келишганда амакиси машинани тўхтатиб, бир таниши 200 минг сўм қарз эканлигини айтиб, шу пулни олиб келишни тайинлади. У амакисининг топшириғини бажаргач, яна йўлга чиқишди. Бир маҳал амакиси машинасини четга олди-да, секин гап бошлади.

— Бир танишимдан 20 тонна шоли учун пулини олдиндан олиб, дала ҳовлининг қурилишига ишлатиб юборгандим. Энди ўша қарзини сўраб, қўймаяпти. Шунга бир иш қилсак: сенга берган еримдан 1,5 гектаридаги шолини бемалол йиғиштириб олавер, у сеники. Қолган 8,5 гектарини ижарага бергансан-ку, шуни пулини мен оламан, тушундингми?

Бу гапни эшитиб, Расулнинг авзойи ўзгарди. Пулни ҳеч кимга бермаслигини айтиб, тўнғиллади. Амакисининг ҳам жаҳли чиқди. Ер биринчи галда ўзиники эканлиги-ю, ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирилмаганлиги боис, хоҳлаган пайтда олиб қўйишини писанда қилган эди, Расул уни ҳақорат қилишга ўтди. Униси у деди, буниси бу, хуллас, иккаласи талашиб-тортишиб қолишди.

Бир маҳал Расулнинг ёдига милтиқ тушиб қолди-да, шартта яшириб қўйган жойидан олиб, амакисининг елкасига тиради. Шолидан келадиган пулни ҳеч кимга бермаслигини, бу пуллар фақат ўзига тегишли эканлигини, керак бўлса, отишдан ҳам тоймаслигини айтган эди, амакиси буни оддий пўписага йўйиб, кулимсираб қўяқолди. Афсуски, Расул ҳазиллашмаётган эди. У бир нималар деди-ю тўсатдан милтиқни амакисининг бошига тўғрилаб, тепкини босиб юборди...

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди ушбу жиноят ишини кўриб чиқиб, амакисининг умрига зомин бўлган Расул Ҳакимовга ҳамда унга ҳужжатлари бўлмаган милтиқни сотган қўшниси билан унинг танишига қилмишларига яраша тегишли жазо тайинлади.



# Синган кўнгил

**Ашраф МАЖИДОВ,**
Вобкент туман прокуратураси терговчиси
**Лолахон МАНСУРОВА,**
журналист

***Истиқлолимиз шарофати билан барча соҳаларда бўлгани каби жамиятимизнинг кичик бўғини бўлмиш оилаларни мустаҳкамлаш ҳамда жамиятда тутган ўрнини кучайтириш, ёш оилаларни ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маънавий-ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда.***

Шундай бўлса-да, гоҳида мол-мулк ёки устунлик талашиш, эр-хотиннинг бир-бирини тушунмаслиги, хиёнат каби сабаблар туфайли оилалар барбод бўлаяпти. Энг даҳшатлиси эса, баъзан бундай келишмовчиликлар охир-оқибат тан жароҳати етказиш, жонига қасд қилиш ва ҳатто қотиллик билан ҳам якун топмоқда.

Вобкент туманидаги "Қипчоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Шуҳрат Нарзиев хотини Насиба Турсунова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан севиб-севилиб, 2000 йилда турмуш қурган эди. Вақт ўтиб, 3 нафар фарзандли бўлишди. Орада Шуҳратнинг иши юришмай қолди-ю, тирикчилик ташвишида Россияга отланди. Астойдил меҳнат қилди, рўзғори ҳам анча эпақага келиб қолди. Шундай кунларнинг бирида телефон қилган хотини уйга ўғри тушгани-ю, бор будига қўшиб, қўйларини ҳам ўғирлаб кетганини айтиб, йиғи-сиғи қилди. Шуҳрат бу хабардан хафа бўлган бўлса-да, "йигит моли ерда", дея ўзига-ўзи таскин берди. "Майли, сиқилма, келган бало-қазо ўшанга урсин. Ишлаб, ўрнини тўлдираман", — дея хотинининг кўнглини кўтарди.

Шу кундан бошлаб Шуҳрат янада яхшироқ ишлаб, кўпроқ пул топишга, бу билан ўғирланган мол-мулкининг ўрнини тўлдиришга бел боғлади. Бунинг учун ҳатто кундалик харажатларни ҳам камайтирди. Аммо, хотини билан гаплашганидан икки кун ўтиб, унга бегона рақамдан нотаниш аёл қўнғироқ қилди-да:

— Сиз ишониб, бирга яшаган Насибангиз фоҳишалик қилиб юрибди. Уйингизда ҳеч қанақа ўғрилик бўлмаган, аксинча, хотинингиз қўйларни сотиб, қарзлари эвазига тўлаяпти, — деди дабдурустдан.

Кутилмаган "янгилик"дан Шуҳрат тамоман гангиб қолди. Қўли ишга бормай, уйига ошиқди. Йўл-йўлакай, ўтган йилларни бирма-бир эслай бошлади. Ростдан ҳам охирги пайтлар уйига борганида хотини бирон-бир сабабсиз жанжал чиқариб, у билан яшамаслигини айтганча уйдан чиқиб кетадиган одат чиқарган эди-ку! Бунга аҳамият бермаганини қара!

2012 йилнинг 1 августи. Шуҳрат ўзини қўярга жой тополмади. "Наҳотки, орзуларим барбод бўлиб, ғururим поймол этилган бўлса! Фарзандларимнинг кўзига қарасам, дилим вайрон бўлади. Уларга эса мендан-да оғир...", дея бошини чангаллади. Бир маҳал қўлини мушт қилганча, шаҳд билан ўрнидан турди.

Эр-хотин ўртасидаги тортишув узоқ давом этмади. Ўзини бошқаролмаган Шуҳрат хотинини бўғиб ўлдирди. Насиба жон таслим қилгач, қотил эр профилактика инспекторига хабар берди...

Ҳукм ўқилди. Судланувчи Шуҳрат Нарзиев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддасига асосан айбли деб топилиб, озодликдан маҳрум этилди.

Ҳаётда ҳамма нарса — яхшиликнинг ҳам ёмонликнинг ҳам жавоби бор. Гулдек фарзандлари бор, ҳамма ҳавас қилгулик оила нега барбод бўлди? Гўдакларда нима айб? Аёлнинг беҳаёларча ичкиликка берилиб, ёмон йўлларга кириб кетишини, отанинг оиласидан узоққа кетиб, ишлаб, вазиятни билса-да, оилани сақлаб қолишни уддалай олмай, боз устига хотинини ўлдиришини оқлаб бўлармикан?

*Юрт равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, бугунги кунда қарилик гаштини сураётган инсонлардан бири, прокуратура фахрийси Абдуқодир Каримбердиев табаррук 85 ёшни қаршиламоқда.*

# Эҳтиром



У Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тизимида 36 йилдан ортиқ хизмат қилиб, мамлакатимизда тинчлик, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишдек масъулиятли ва шарафли вазифага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Қаерда ва қандай лавозимда ишлашидан қатъи назар ҳамиша билимдон ва тажрибали ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида эътибор қозонди.

Абдуқодир Каримбердиев меҳнат фаолияти давомида Самарқанд вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, Оқдарё, Ургут туманлари, Каттақўрғон, Самарқанд шаҳарлари прокурори, вилоят прокурорининг ўринбосари, Фарғона вилоят прокурори ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Масъулиятли вазифаларда ишлаб, ишчанлик, талабчанлик, адолатпарварлик, ташкилотчилик каби иқтидори туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозонди.

Абдуқодир Каримбердиевичнинг садоқат ва матонат билан қилган меҳнатлари ҳукуматимиз ҳамда Республика Бош прокуратураси раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист", "3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси" унвонлари, "Фахрий ёрлиқлар", медаллар ва "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ҳурматли Абдуқодир Каримбердиевич, қутлуғ айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга фаровонлик, дастурхонингизга тўкинлик тилаймиз!

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази**


ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН

## «ANDIJON MULK MARKAZI» МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб борадиган тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Андижон вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 10 майдаги 45-сонли буйруғига асосан, Андижон вилояти Андижон тумани Ок-ёр ҚФЙ Умаров кўчасида жойлашган, "16-хўжалик автотранспорт" МЧЖ Низом жамғармасидаги бошланғич баҳоси — 297 065 184 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Улуш" деб аталувчи) 5,41 фоиз давлат улуши очиқ аукцион савдоларига қўйилмоқда.

**— Балансда сақловчининг номи: "16-хўжалик автотранспорт" МЧЖ.**

**— Фаолият-ихтисослиги: Транспорт хизмати.**

Савдо 2013 йил 20 июнь куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 18 июнь куни соат 18:00.

"Улуш" 2013 йил 20 июнь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 27 июнь, 4, 11 июль кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 27 июндаги савдо учун 25 июнь куни соат 18:00; 4 июлдаги савдо учун 2 июль куни соат 18:00; 11 июлдаги савдо учун 9 июль куни соат 18:00.

Талабгорлар "Улуш" бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охирги кунга қадар Андижон шаҳар "Савдогар" ОАТ банкидаги : 20208000304941156002, МФО: 00081, СТИР: 302126734 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Савдо натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закалат "Улуш" сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 105-хона. Тел: (8-374) 224-48-53. www.rmm.uz. Гувоҳнома: № 00658.

Тадбиркор ва ишбилармонлар диққатига: Аукцион савдоларида иштирок этиш юзасидан ҳуқуқлар поймол қилиниши содир этилган ҳолларда ҳамда ошкоралик таъминланмаган тақдирда қуйидаги ишонч телефонларига: Давлат рақобатни ривожлантириш қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ёки Андижон вилояти ҳудудий бошқармасидаги (8-374) 224-24-52 рақамларига мурожаат қилишингиз мумкинлиги билдирилади.

**Хизматлар лицензияланган**

## «ХОРАЗМ УНИВЕРСАЛ АУКЦИОН ИНВЕСТ"МЧЖ нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2013 йил 18 июнь куни соат 11:00да Урганч шаҳри, Ал Хоразмий кўчаси 30-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига: Юггастрой очиқ акциядорлик жамиятига қарашли, "Shantui-SR 26 Т" русумли д/р 10-89 МТ бўлган КАТОК Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманида сақланаётган автотранспорт, 2010 йил и/ч, хизмат кўрсатиш, тех.носоз. Бошланғич баҳоси — **151 685 000 сўм.** Ушбу куни сотилмай қолган авторанспорт воситасининг такрорий савдолари 2013 йил ҳар сешанба кунлари бўлиб ўтади. Аукцион савдосида қатнашувчилар қуйидагиларни тақдим этишлари шарт. - кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза; - бошланғич баҳонинг 10 фоизи миқдорида гаров пули "Хоразм универсал аукцион инвест" МЧЖ. **МФО 00580, ИНН 302452575** Урганч шаҳар АИТБ **"Ипотека банк" Тинчлик** филиали **20208000305011133001** ҳисоб рақамига тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжатининг асл нусхаси — харидорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси. Аукцион савдосида иштирок этиш учун "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб, закалат пули тўлаган харидорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00гача қабул қилинади. Аризалар расмий иш кунлари соат 09:00дан 18:00гача қабул қилинади. (13:00дан 14:00гача тушлик вақти). Аукцион қатнашчиси аукцион ўтказилишидан бир соат олдин ёзма билдиришнома бериш йўли билан аризани қайтариб олиши мумкин. Сизларни қизиқтирган барча саволлар билан қуйидаги телефон орқали маълумот олишингиз мумкин: телефон: +99891 994-77-71.

Гувоҳнома № 50700.

**Хизматлар лицензияланган**

## «KHOREZM REALTORS GROUP» МЧЖ

***Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Хоразм вилоят вилоят ҳудудий бошқармаси ва Хонқа туман ҳокимияти билан ҳамкорликда очиқ аукцион савдоларига таклиф қилади.***

Хоразм вилояти, Урганч шаҳри Ал Хоразмий кўчаси 30-уй, 2013 йил 18 июнь куни соат 11:00да, Хонқа тумани "Сарапаён" қишлоғи "Қорамози" пасёлкаси ҳудудида жойлашган 1 дан 22 гача жами 22 та якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган ер майдонларини мерос қилиб қолдириш ва умрбод эгалик қилиш шарти билан очиқ аукцион савдоларини ташкил қилмоқда:

Аукцион савдоларига чиқарилган ер майдонларининг ҳар бирининг бошланғич баҳоси 700 000 (етти юз минг) сўм.

*Талабгорлар диққатига!*

Кўрсатилган ер майдонларини сотиб олиш учун ариза, ҳуқуқий ҳужжат нусхаси, бошланғич баҳосиннинг 20 % миқдорида закалат пулини белгиланган тартибда "KHOREZM REALTORS GROUP" МЧЖ Ўзбекистон-Германия АТ "Савдогар банк"и Хоразм филиалидаги қуйидаги махсус ҳисоб рақамига тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжатининг асл нусхаси тақдим қилиниши шарт: ҳ/р 20208000704949267003, МФО 552, СТИР:302171214.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пули тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш очиқ аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади. Аукцион қатнашчиси аукцион ўтказилишидан бир соат олдин ёзма билдиришнома бериш йўли билан аризани қайтариб олиши мумкин.

Аукцион савдоларига қўйилган мулклар билан танишиш истагида бўлган талабгорлар қўшимча маълумотлар олиш учун эълон чиққан санадан бошлаб, ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 16:00га қадар мурожаат этишлари мумкин.

**Манзил:** Урганч шаҳри, Ал Хоразимий кўчаси 30-уй.
**Телефон: 8-362-226-87-15 Факс: 8-362-224-22-43,**
**web sayt:** khrg.uz
Лицензия RR-0096

**Хизматлар лицензияланган**

## «KHOREZM REALTORS GROUP» МЧЖ

***2013 йил 19 июнь куни Урганч шаҳар Ал Хоразмий кўчаси 30-уйда соат 11:00да ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф қилади.***

Аукцион савдосига Хоразм вилоят Давлат мулк бошқармасининг 2013 йил 29 мартдаги №20-АС-сонли буйруғига асосан Хоразм вилояти, Хива тумани Гандимён қишлоғида жойлашган Хива туман ҳокимлигининг "Ободонлаштириш" бошқармаси ҳисобидаги умумий майдони 13692,52 кв. метр, шундан қурилиш ости майдони 2212,08 кв. метр бўлган собиқ 50-сон мактабнинг фойдаланилмаётган бино ва иншоотлари аукцион савдосига қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 349 557 470 сўм.**

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза, ҳуқуқий ҳужжат нусхаси, бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат келишувга асосан "KHOREZM REALTORS GROUP" МЧЖ Ўзбекистон-Германия АТ "Савдогар банк"и Хоразм филиалидаги қуйидаги махсус ҳисоб рақамига тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжатининг асл нусхаси тақдим қилиниши шарт: ҳ/р 20208000704949267003, МФО 552,СТИР:302171214.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пули тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш очиқ аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 17:00да тўхтатилади.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингизни сўраймиз: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал Хоразмий кўчаси 30-уй, **Тел/факс;** (8-362) 226-87-15 **Факс:** 8-362-224-22-43, **web sayt:** khrg.uz

Лицензия: RL 001 № 0096

**Хизматлар лицензияланган**


## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ ҳарбий прокурори ёрдамчиси Кахарман Исмайловнинг волидаи муҳтарамаси **Тамара ИСМАЙЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


**Huquq** yuridik gazeta

**Muassis:** O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

**Bosh muharrir:** *Jahongir MAKSUMOV*

**Tahrir hay'ati:**
Hakimboy HALIMOV, Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Kamoliddin ASQAROV *(mas'ul kotib v.b.)*

**Tahririyat manzili:** Toshkent shahri, Akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
**Telefon:** 233-98-40, 233-10-53
**Faks:** 233-10-53, 233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. Ⓣ — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma j-7140. 52 817 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: **F.YODGOROVA**
Musahhih: **M.QAMBAROV**
Navbatchi: **O`.DEHQONOV**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617